

Жеймс Пакер



Жеймс Пакер
ДОЛЗАРБ
САВОЛЛАРГА ЖАВОБ
БЕРАДИ



Жеймс Пакер Уэнди Зоба

ЖЕЙМС ПАКЕР
ДОЛЗАРБ САВОЛЛАРГА
ЖАВОБ БЕРАДИ

СЎЗ БОШИ

Хотиним икковимизга битта машина, шунинг учун мен доимо ишдан автобусга уйга қайтишимга тўғри келади. Мен Риджент коллежи қаршисидаги автобус бекатида турибман. Мана, бир йилдирки, автобус бекатининг ичкарасидаги деворда бўйлиб кетган, кўк бўёқлар билан «Ёрдам беринглар!» деган ёзувни кўраман. Бу сўзларни ким ва нима учун ёзгани мен учун доимо қизиқ. Бекатда кўпинча шу яқинда жойлашган университетнинг ва Риджент коллежининг талабаларини, шунингдек, университет шифохонасидан уйга қайтаётган одамларни кўриш мумкин. Улардан қайси бири шу тарика ўзига эътиборни тортишига ҳаракат қилди экан? Балки, ёрдам сўраб мурожаат қилаётган одам гиёҳвандликка алкоғолдан халос бўлиш учун ёрдам сўраётгандир ёки депрессия ё бўлмаса худди фазода йўқолгандай, ёлғизликдан азоб чекаётгандир? Балки, у номаълум келажак олдида кўркувдан шол бўлгандир? Ўзини эътибордан четда қолган, деб ҳис қилаётгандир? Ё унинг бутун ҳаётини захарлаган беҳудалик ҳолдан тойдиргандир?

Бу ёзувнинг муаллифини мен ҳеч қачон билмайман, ёрдам беришга ожизман, бу эса менда оғриқ пайдо қилади. Ахир, мен масиҳийман, менинг унвоним биринчи навбатда муҳтожларга ёрдам беришдан иборат.

Баъзан турли ижтимоий ёрдамни, масалан, ўқишга таклиф қиладиган эълонларга кўзим тушади. Аммо улардан биронтаси ҳам эътиборини умидсиз аҳволда автобус бекати деворига бўёқ билан ёзган одамга қаратганига ишонмайман. Унинг илтижоси менга шуни эслатадики, бу оламда яшаётганларнинг ҳар бири ёрдамга муҳтож, улар ёрдамни Худо билан нажотга олиб борадиган муносабатлар сабаблигина олишлари мумкин. Бу эса

менда одамларга ёрдам бериш истагини, ҳар қандай усул билан Исо Масих тўғрисидаги хушxabарни уларга етказиш истагини мустаҳкамлайди.

Китоб номидан кўриниб турибдики, у бир неча одамларнинг фаолияти маҳсулидир. Уэнди Мюррей Зоба касби бўйича журналист, мен эса илоҳиётчиман. Худо бизга берган қобилиятга кўра, икковимиз ҳам одамларга ёрдам беришни орзу қиламиз, айнан шу нарса бизни бирлаштирди. Уэнди ўз ўғли Бен ва масиҳий дўстлари билан суҳбатлашиш учун мени уйига таклиф қилганда, бизнинг ҳамкорликдаги ишимиз бошланган эди. Уэнди ҳамма саволларни ва саволларга менинг жавобларимни ёзиб олди (буларнинг ҳаммаси у ёки бу кўринишда китобдан жой олган), кейин уларни нашр қилишга таклиф этди. «Tyndale» нашриёти бу ғояни қўллаб-қувватлади. Китобхонларни кўпроқ қизиқтирадиган қўшимча материалларни китобга киритишга қарор қилди. Китобхонлар менинг ким эканлигим тўғрисида яхшироқ тасаввур қилишлари мумкин. Кэнди мен тўғримда мақола ёзди.

Умид қиламанки, бу китоб Худо ҳақида кўпроқ билишни хоҳловчи ҳамма ёшдаги одамларга ёрдам беради, гарчи китоб дастлаб Бен Зобанинг дўстлари, яъни мендан эллик ёш кичик бўлган одамлар учун мўлжалланган бўлса ҳам. Қўлёзмани нашрга тайрлаш ишларининг катта қисмини Уэнди бажарди, шунинг учун бу аёлнинг меҳнати учун чин юракдан билдирган миннатдорчилигимга китобхонлар ҳам қўшилишлари учун уларни даъват қиламан.

Агар мен кимгадир ёрдам бера олсам, ҳаётим беҳуда ўтмаган бўлади.

Агар бизнинг китобимиз кимнингдир ҳаётига аниқлик киритиш учун, масиҳийликка ишончда янада кучлироқ бўлишга ёрдам берса, биз — муаллифлар учун бу катта мукофот бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Джеймс Пакер

КИРИШ

Мен Жеймс Пакер билан 1994 йили меҳмонхона ресторанида танишган эдим. Нонушта пайтида эрим икковимиз у ўтирган столдан жой олдик. Пакер официантдан, қовурилган тухум учун аччиқ соус олиб келсангиз, деб илтимос қилди. Иккинчи марта илтимос қилгандан кейин официант эътибор бериб, соус солинган қизил шиша идишни олиб келди. Аммо тухум совиб бўлган эди. Доктор Пакернинг юзи британияча зўрма–зўраки кулгидан ўзгарди, аммо у чақнаб турган кўзларини кўтариб: «Бу ерда ҳамма нарсаси оддий, уйдагидай, шуниси менгак ёқади», деди. Шу зоҳоти мен бу одамдан нимани ўрганиш кераклигини тушундим.

Доктор Пакер менинг ёзувчилик касбимни қутқариб қолди, деб айтсам, муболаға бўлмайди. «Современное христианство» журнали учун ёзган очерким — биринчи уринишим барбод бўлди. Иккинчи уринишим ҳам муваффақиятсиз бўлди. Пакер ўз ишлари билан журнал таҳририятига яна ташриф буюрганда, мен унинг олдида келиб муваффақиятсизликларим ҳақида айтиб бердим. У эса шундай жавоб берди: «Аввал сенинг чап юзингга урибдилар, кейин яна ўнг юзингга урибдилар». (Бу гапнинг британияча ифодаси «Сенинг оёғингга урибдилар».)

Ўша суҳбатдан мақола нашр қилишга нисбатан маслаҳатлардан кўра, кўпроқ нарсаси олдим. Доктор Пакер мен ёзган текстнинг ҳаммасини кўриб чиқди, текстнинг тузилишини, унинг алоҳида элементлари мувофиқлигини синчиклаб ўрганди, барча мазмун оттенкаларини ва диний руҳини тадқиқ этди, яъни мақолани солиҳларча туйғу билан таҳлил этди. Бу туйғу борлиги учун ҳам официантнинг лапашанглигини «жайдари соддалик» деб яхши қовурилган, аммо совиб қотиб қолган тухумни хотиржамлик билан тановул қилган эди.

Эндиликда эса ҳар бир мақоламни ёзишдан олдин доктор Пакер билан маслаҳатлашиб олишни ўзимга одат қилиб олганман. Мен келажакни кўришимга у ёрдам берапти. У менга тўғри йўлни кўрсатапти. Мен боришим керак бўлган жойнинг режасини у менга чизиб берапти.

Доктор Пакер мени мустаҳкамлаяпти. Бу унинг истеъдоди. Ҳамкорликдаги фаолиятимизда у истеъдодини мен билан саҳийларча баҳам кўряпти. Мазкур китобнинг доктор Пакерга бағишланган бобида шуни ёзган эдим: унинг илоҳий мойиллиги айнан шундан иборатки, у одамларга келажакни, тўғри йўналишни кўрсатади, унинг саёҳатлари учун харитасини чизиб беради. У эллигинчи — олтмишинчи йилларда биз ҳеч қачон эшитмаган «интеллектуал асосланган» Инжилни тарғиб қилиш Англияни эгаллаб олганда, у йўл кўрсатди. Етмишинчи—саксонинчи йилларда Америка Инжил масиҳийлари учун бор кучи билан Муқаддас Китобнинг «гуноҳсизлиги»ни тасдиқлаш учун ҳаракат қилганда, у йўл кўрсатди. У ҳозиргача бизга йўл кўрсатишда давом этмоқда.

Шуни айтишим керакки, доктор Пакер менинг ўн етти ёшли ўғлим Беннинг чексиз севгисига сазовор бўлди. Ўғлим уни баъзан «зўр Пакер» деб айтади. Ўсмир фарзандлари бор ҳар қандай ота-она, «зўр» сўзи, «эркак» сўзи каби, ижобий маънога эга, деб айтади. Бу сўз ўғлимнинг сўз бойлигидан бўлиб, Пакерни мактайдиган яна бир сўзни пайдо қилди. Мен ўғлимнинг Пакерга севгисини шунинг учун айтяпманки, айнан шу севги учун, шунингдек, Пакернинг дилкаш суҳбатдош экани бу китобнинг ёзилишига туртки бўлди.

1994 йилги учрашувимиздан бошлаб кўп йиллар давомида Жим Пакерни уйимизга бир неча марта тушлик учун таклиф қилишга муяссар бўлдик. Шундай окшомлардан бирида Бен товукни иштаҳа билан еяр экан, Пакердан: «Сиз калвинистмисиз?» деб сўради. Пакер шундай жавоб берди: «Бен, агар сен “калвинист” сўзи остида Худо Ўзи яратган оламни бошқаради, Ўзи ижод қилган ҳамма нарсалар тўғрисида меҳрибонлик билан

ғамхўрлик қилади, деб ишонадиган одамни назарда тутган бўлсанг, мени калвинист деб ҳисоблайвер». Бу суҳбат авлодларнинг муносабатларида янги нуқтани бошлаб бериб, биринчидан, ёш авлод Худо тўғрисидаги савол учун саводли жавобларга қаттиқ чанқоқ эканини, иккинчидан, доктор Пакер ана шу ташналикни ақллилик ва руҳий заковат билан қондираётганини кўрсатди.

Бен коллежнинг биринчи курсида кичик гуруҳнинг йўлбошчиси бўлди. Бир куни Джим Пакер бизникига тушликка таклиф қилинганини билиб Бен мендан сўради: «Нима дейсиз, ойи, доктор Пакер биз билан учрашиб, суҳбатлаша олармикан?» Мен: «Доктор Пакердан сўраб кўраман», деб жавоб бердим.

Пакер таклифни қабул қилди. Ўша куни бизнинг хонамиз ёш — яланг билан тўлиб кетди. Улар Пакернинг ҳар бир сўзига ташналик билан кулоқ солар, унинг ҳазилларига ўзларини тўхтатолмай кулиб жавоб берардилар.

Шу учрашувлардан кейин менда бу китобни ёзиш ғояси туғилди. Аста-секин китоб тўғрисидаги тасаввурларимиз кенгайди, китобни бошқа суҳбатлардан парчалар билан ва доктор Пакернинг мулоҳазалари билан тўлдиришга қарор қилдик.

Умид қиламизки, китоб изланувчан китобхонга ёрдамчи бўлади, яъни чап юзига урилиб, кейин ўнг юзига урилган одамларга, ҳаётда келажакни ва тўғри йўлни топишга зарурат сезганларга, кимдир бориши керак бўлган жойга етиб олишга чизилган харита бўйича юришга ёрдам беради. Бу жой Худонинг хоҳиш—иродаси ва ниятлари орқали белгиланган. Ишонаманки, Джеймс Пакернинг донолиги шу йўлда сизларга ёрдам беради.

Уэнди Мюррей Зоба

БЕР ЗОБАНИНГ БИР НЕЧА ОҒИЗ СЎЗИ

Мен доктор Пакер ҳақида ўйларканман, Коринфликларга биринчи мактубни эслайман. Бу мактубда ҳаворий Павлус айтади: «Мен Масихга қандай эргашсам, сизлар ҳам менга шундай эргашинглар» (1 Коринфликларга 11:1). Доктор Пакер ҳақиқатан Худонинг одами. Мен ўша кунни у биз билан тушлик қилиб, ўзи билан гаплашиш учун имконият берган кунни қадрлайман. Муқаддас Китобда шундай ёзилган: «Умринг охирида, вужудинг танангдан асар қолмагач, фарёд қиласан» (Ҳикматлар 5:11). Шунинг учун онамдан Пакернинг шахримизга келишини эшитганимда, мен онамдан: «У бизнинг ҳузуримизга келиб, дўстларим билан масиҳий бўлиш нима экани тўғрисида суҳбатлаша олармикан», деб сўрадим.

Исо айтади: «...Орангизда ким катта бўлишни истаса, бошқаларга хизмат қилсин» (Матто 20:26). Доктор Пакер Масиҳнинг хоҳиш-иродасини бажариб, тиғиз вақтидан дўстларим билан муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун ажратди. Ёшимиздаги катта фарқларга қарамай, биз Исо Масиҳни севамиз, бу ҳолат бир-биримизга очик бўлишимизга имкон берди. Биз ҳамма нарсa — биз, ёшлар учун муҳим масалалар, қизлар қандай учрашишларидан тортиб қайси коллежга ўқишга кириш ва бунда Худонинг хоҳиш-иродасига қарши бормасликкача бўлган масалалар тўғрисида суҳбатлашдик. Пакер бизга шундай маслаҳат берди: «Мулоҳазасиз қизларга уйланманглар», «Шармандали одатларни орттирманглар». У яна бизга Раббийни қандай билиш тўғрисида гапирди, мақсадга етишиш йўлида ярим йўлда тўхтаб қолмасдан Масиҳга доимо интилиш тўғрисида таълим берди.

Доктор Пакер мен сингари ёш йигит бўлганда, Худо унга ягона, яшашга арзийдиган нарсани — Масиҳни кашф қилган экан. Бугунги кунда у менга бобом тенги. Узоқ умри давомида солиҳ ҳаёти учун фақат Худодан миннатдор бўлган одамни кўрганимда, бу мени жасоратга ундайди. Доктор Пакер ақлли, ҳаётий тажрибаси билан Раббийдан донолик олди.

I. ЙЎЛНИНГ ТЎҒРИЛАНИШИ

Нима учун сиз Муқаддас Китобни тиришиб ўрганасиз ва Раббийни билишга интиласиз?

Ўзингизни Масихга бағишлаганингизда, Самовий Ота оиласининг аъзоси бўласиз, шу лаҳзадан бошлаб сизнинг Самовий Отангиз бор. Бу билан абадийликка эга бўлганингизни (ҳақиқатан ҳам шундай) тушунасиз. Шу лаҳзадаёқ сиз кучли ҳаяжонни ҳис қиласиз ва Самовий Отангизни яхшироқ билишни, Унинг идроки ва хоҳиш–иродасини, Унинг ниятлари ва мақсадларини тушунишни истаб қоласиз. Аммо шулар юз бериши учун сиз Муқаддас Китобни ўрганишингиз зарур. Ахир, бу китоб Унинг Каломидир.

Менимча, одам ўзининг янги оиласига, хусусан, унинг бошлиғига қизиқишни бошдан кечириши мутлақо табиийдир. Агар мен Муқаддас Китоб билан қизиқмаганимда эди, мен бир оз ғалати иш қилган, Унинг марҳаматига ношукрлик қилган бўлардим. Ахир, мен қайта туғилиб шу оилага келдим, Худонинг шуҳратини мерос қилиб олдим.

Ярим аср олдин мен масихийликни қабул қилганимда, ўша зоҳоти Худони кўпроқ билай, деб Муқаддас Китобни ўрганишни бошлаган эдим. Бу эса мен учун энг ажойиб машғулот бўлган эди. Очиғини айтганда, бу машғулот мен учун бугун ҳам шун-

дай бўлиб қолмоқда. Албатта, ёш ўтган сари, баъзи қизиқишлар иккинчи ўринга ўтади. Фақат бу машғулоти эмас.

Нима учун кўп одамлар, Худони билиш ва Муқаддас Китобни ўрганиш қийин ва зерикарли иш, деб ҳисоблайдилар?

Кўпинча масиҳийлик таълимотини ўргатишда шароитга мос келмайдиган одатлар билан тўқнашишга тўғри келади: «Сизлар мана бу-мана бу нарсаларга ишонишингиз ва бошқаларга сўзлаб беришингиз керак, мана бу-мана бу хатоларни эса эътироф этиб, буни такрорлашдан қочишингиз керак». Анаъаналарга шунчаки эришиш идрокни рағбатлантира олмайди, шунинг учун сиз савол беришга улгуришингизга қадар жавоб тайёр бўлган эди. Бундай таълимот самара келтирмайди. Бу таълимот масиҳийларни ўзидан узоқлаштиради.

Худони билишга ва Муқаддас Китобни ўрганишга бундай ёндашув рухнинг нозик жойидан олади. Шунда рух Худонинг улуғворлигига эътибор қаратиб, ўса бошлайди. Инсон мантиққа зид равишда камситилиш орқали улуғланади. Худонинг улуғворлиги ўзимизга ўзимиз баҳо бериш даражамизни пасайтириб, бизни итоаткор қилади. Мен доимо ҳақиқат гуноҳкорни ерга уриб, Нажоткорни юксалтирсин, дейман ва шунинг учун ҳақиқатни шу тарзда кўрсатишга ҳаракат қиламан. Ана шундай ёндашув жараёнида масиҳий Муқаддас Китобни анъанавий ўрганишга қараганда, тамомила янги сифатларга эга бўлади. Муқаддас Китоб анъанавий ўрганганда эса ҳар қандай ҳодисага ундан иқтибос кўникмасини шакллантиради.

Худони улуғлайдиган ва инсонни ерга урадиган масиҳийлик инсоннинг «Мен»ини юксалтирадиган бизнинг маданиятда нимани таклиф қилади?

Кўп одамлар учун дин инсоннинг бахтини таъминлашга даъват қилинган фаолият туридан бири бўлиб қолди. Одамнинг

кулай яшаш зонасини кенгайтирадиган ҳамма нарса мос, ҳатто такводор ҳисобланади. Ўша нарсалар эътиқоднинг бир қисми бўлиб қолиши керак.

Шимолий Америка маданияти — дунёвий маданият сифатида ҳам ҳаммага «бахтиёрликка тенг ҳуқуқ»ни беради. Аммо Худони чинакамига билиш ўзимизни эмас, Худони улуғлашга бизни даъват қилгани учун бу постулатни шубҳа остига қўяди. Муқаддасликни истайдиган одамга Худо бахт ваъда қилади. Бахт номаълум оламга хурсандчилик сингари келади. Ўз эгасини дунёвий йўлда пайдо қиладиган одамнинг шодлиги ва бахтидан кўра, ўз «Мен»идан воз кеча оладиган масиҳий шуларни бошидан кечиради. Худони билмайдиганлар менинг гапларимга ишонмайди, лекин бу ҳақиқат эмас.

Масиҳийликни шахснинг ўсиши учун қурол деб ҳисоблаш тўғрими?

Тўғри, агарда бу фикрни нотўғри қиладиган хатолардан қочишнинг уддасидан чиқса. Асосий хато шундан иборатки, биз ўзимизни коинотнинг маркази деб тасаввур қиламиз, Худони эса бизнинг қулай яшашимиз ва бизни марҳаматлаши учун мавжуд, деган тасаввурга эгамиз. Афсуски, бундай тасаввурлардан қочиш керак.

Биз Худо учун яшаймиз. Худо Ўзининг буюк шафқати билан бизнинг таълимотимизни марҳаматлашга ваъда берган, аммо биринчи ўринда биз учун фақат У бўлиши керак. Агар бунни тушунмасак, масиҳийлик фақат ўзида бахт сирини яшириши тўғрисида гапириш мумкин эмас. Воизлар кўпинча бундай ёндашувдан фойдаланадилар, лекин бундай ҳолда улар бизни чалғитадилар, эътиборимизни ўзимизга қаратишга яна кўпроқ урғу беради. Охир—оқибатда биз масиҳийликда фақат бахт тантанасини кўрамыз. Бундай таълимот риекорлик пайдо бўлишига олиб боради.

Сиз, пилла қурти капалак бўлиб дунёга келсин, деб пиллани қирқмаяпсиз—ку. Агар капалак пилла ичидан ташқарига чиқиш

учун куч сарф қилмаса, у учишни ўргана олмайди, унинг бунга кучи етмайди. Масиҳийча ҳаётни тавбасиз бошлайдиган одам масиҳий сифатида бундан кейин камол топа олмайди.

Шимолий Америка маданияти масиҳийликнинг пайдо бўлиши учун жонли қизиқишга қаршилиқ қилмайдими?

Бу муаммо фақат Шимолий Америкага тегишли эмас, деб ўйлайман. Бу — умуминсоният муаммоси, бу муаммо гуноҳ пайдо бўлгандан бошлаб бўлган эди. Ҳар биримиз ўзимизда Худонинг тимсолини олиб юрамиз. Бу дегани — биз Худо ҳақидаги ҳақиқатни излаш ва топиш орқали Уни қидириб топиш учун яратилганимиздир.

Биз шундай яратилганмиз. Мен ишонаманки, агар идроки-миз илоҳий ҳақиқатни тушунса ва Раббийга онгли равишда итоат этсагина, оламда ўзимиз билан бўла оламиз. Агар биз шу даражага кўтарила олмасак, ҳаётимизни арзирли деб ҳисоблай олмаймиз.

Одамлар айбдорлик ҳиссини ҳис қилиб, ўзларини тавбага олиб келишни раво кўрадиларми?

Буни уддалаб бўлмайди. Одамлар бир умр Худони рад қилиб, Унга лозим даражада иззат-ҳурмат кўрсатмайдилар. Одамлар шунга дуч келганларида шубҳасиз, айбдорлик ҳиссини туядилар. Одамлар, Худо бизга фосиқ ҳаётимиз ҳақида, биз олдинги ҳаётимизни тарк этиб, ўзгаришларимиз зарурлиги тўғрисида айтяпти, деб биладилар. Уларнинг қалбида Рух фаолият кўрсатади, У бу тўғрида ғамхўрлик кўрсатади.

Навбатдаги савол қуйидагича бўлади: «Худо билан қандай қилиб самимий бўлиш мумкин?» Бошқача айтганда, «Айбдорлик ҳиссидан қандай қутулиш мумкин?» Бу ўринда Масиҳ, Мукаддас Китобга мувофиқ, Ўз ўлими билан бизнинг гуноҳла-

римизни ювгани, бизни қонун лаънатида халос қилгани тўғрисида айтишимиз мумкин.

Воизлардан: «Бугунги кунда одамлар ўзларини айбдор деб ҳисобламайдилар, шунинг учун ўзларининг айбдорлик ҳиссига даъватга ва Раббийни Хочга михлаш орқали уларни айбдорлик ҳиссидан халос қилганига таъсир билдирмайдилар», деган гапларини эшитиш мумкин. Агар шундай бўлса, бу — бизнинг хатомиз, чунки биз уларга ўзларининг айбдорлиги тўғрисида айтмаганмиз. Улар Худони умуман ҳурмат қилмаганлари устига, Уни тамомила рад қилганларини аниқлашларига имкон бермадик. Биз уларни Худо эмас, «ўзларича» бахтга олиб келадиган йўлга ташлаб кетдик, ана шунинг учун ҳам биз ноҳақмиз.

Эндиликда одамларни дўзах алангаси билан қўрқитишни бас қилишимиз керак эмасми?

Дўзахнинг абадий олов ва бошқа кўп нарсаларнинг тасаввур қилинадиган манзараси кўплаб масиҳий доираларида салбий реакция келтириб чиқармоқда. Аммо одам аслида ўзи нобуд бўлиши тўғрисида билиши лозим.

Менинг дўзах ҳақидаги тасаввурларим асосан, Клайв Льюиснинг романлари таъсирида шаклланган ва қуйидагича ифодаланади: бу оламда нималар юз беришига сиз имконият яратиб бердингизми? Нариги ҳаёт сизга қайтадими? Агар сиз Худонинг ҳузур-ҳаловатини қабул қилиш ўрнига, ундан кўз юмишни афзал билсангиз, шунда ҳам абадий ҳаётда яшайсиз. Дўзах менинг тушунчамда — Худодан узилиб қолиш ҳолатидир, бундай ҳолда оламдан бўлган ҳамма яхши нарсалар биз учун энди барҳам топган. Фақат ўзимизда яширинган нарса қолади, бу эса Худодан юз ўгириб, нималардан маҳрум бўлганимизни тушунишимизга имкон беради.

Жан Пол Сартрнинг «Имкон йўқ» пьесасида эшиги йўқ хонадаги тўртта одам бир-биридан қутулолмайди. Ёзувчи одамлар бир-бирларини муттасил ва доимий равишда йўқотиб бориши-

ни кўрсатиб беради. Гарчи Сартр атеист бўлса ҳам, бу ваҳимали манзара, менинг назаримда тамомила дўзахнинг тимсолий тажассуми бўлиши мумкин ёки дўзахнинг томонларидан бўлиши мумкин. Шу билан бирга, дўзахда одамни муттасил равишда, мен Худони ғазаблантирганман, шунинг учун У мени рад қилган, деган фикр таъқиб қилади.

Агар одамлар Муқаддас Китобнинг таълимотига бефарқ бўлсалар, бу китоб ҳақида одамлар билан қандай гаплашасиз?

Бундай ҳодисалар учун менда тайёр қоидалар йўқ. Фақат шуни айтишим мумкинки, одамлар ҳақиқатан, Худони билишни истаб, У билан ўзларининг муносабатларини мустаҳкамламоқчи бўлганларида (худди севимли қиз билан севган йигит янада яқинроқ муносабат ўрнатганларидай), бутун Муқаддас Китоб уларга қизиқарли бўлиб қолади.

Одамларни Муқаддас Китобни ўрганишга даъват қиладиган содда ва тезкор усуллар менга номаълум. Шунинг учун одамларга эзгулик, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг улуғворлиги ва шухрати тўғрисида ҳикоя қиламан. Шундай ҳикоя қиламанки, одамларда Худони билиш истагини кўзгатади, деб умид қиламан. Аммо буни ҳар доим Муқаддас Рух қилиши мумкин бўлгани учун, ҳар доим ҳам кучим етмайди.

Бизнинг ҳамма саволларимизга жавоб сифатида Худонинг хоҳиш–иродасини далил қилиб кўрсатишимиз мумкинми? Бизнинг тушунчамиздаги Худога айрим «терапевтик тузилма»ларни қўшиш мумкинми?

Мен бугунги кунда (илгари ҳам ўйламаган эдим), масиҳийлар Муқаддас Рухга шунинг учун ҳам таянишлари мумкинки, У масиҳийларни рухий ва эмоционал хасталиклардан ҳимоя

қилиши ёки ўша хасталиклардан ҳимоя қилиши мумкин, деб ўйламайман. Бу борада мени пуританлар ишонтирдилар. Имонга келганимдан кейин икки йил давомида шуни очиқчасига тан олдимки, бу оламдаги кўплаб имонлиларда руҳий хасталик, масалан, депрессия бор.

Вақти–вақти билан мен ҳам тушкунлик ҳолатини бошдан кечираман. Аммо биласизми, бу клиник депрессия эмас, балки шунчаки умидсизлик — бизнинг Инжил жамоатларимиздаги яхши ваъзларнинг камлигидан. Эҳтимол, бу яхши эмасдир. Худони шарафламаслиги эса аниқ. Бундай вазият муқаррар равишда одамда эгоцентризмнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Бу ҳақда илгари ҳам айтиб ўтган эдик. Бу оламда энг муҳими эса мен ва менинг ҳиссиётларим (майли, энг яхшиси бўлсин). Шу билан бирга, қуйидагича фикр пайдо бўлади: Худонинг нияти шундан иборатки, У менга эзгу хис–туйғулар ато қилади. Бирдан мен ўзимда бундай нарсалар йўқлигини билиб қолганимдан кейин, натижада Худо ё мени сотди ёки Унинг иши юришмади. У ухлагани кетди ёки Ўз тахтидан қулаб тушди. Бу ғоят носоғлом вазиятдир.

Тана ва руҳини шифолашга муҳтож бўлган бизларга нисбатан Худо Ўз хоҳиш–иродасини шунда кўрсатадики, биз бир умр хасталикларимиз билан яшашимизга тўғри келади. Ҳаворий Павлуснинг «баданига ниш» урилган эди. У уч марта Раббидан бу нишни йўқотишни сўради, аммо илтижолари муваффақиятсиз бўлди (2 Коринфликларга 12:7).

Одамнинг эгоцентризмдан руҳий етуклик томон ҳаракатини қандай белгилар кўрсатади?

Етуклик шундай одамларда пайдо бўладики, мен уларни олийжаноб қалб эгалари, деб айтаман. Масиҳга эргашиш истаги уларда фазилат, вазминлик ва фаросат пайдо қилади. Шунинг учун ҳатто ҳақоратларга дучор бўлиб, азобларни бошдан кечирганларида ҳам, улар ҳурматга сазовор бўлади.

Аммо баъзан улар кучли нафратни бошдан кечирадилар. Мен XV11 асрда яшаган пуритан Ричард Бакстерга чин дилдан таҳсин ўқийман. У буюк инсон, кучли истак ва бутун феъл-атвор ато қилинган кучли жасоратга эга эди. Айрим одамлар бу ажойиб Худонинг содиқ хизматкори бўлган одам билан бир марта учрашганларида, баъзи одамлар уни ёмон кўрадилар. Бу эса охир –оқибатда у учун қайғули оқибатларга олиб келди.

Руҳан шаклланишимизда Худони билиш ва Муқаддас Китобни ўрганиш қандай роль ўйнайди?

Худо ва Унинг ҳузур-ҳаловат йўллари тўғрисидаги ҳақиқий маккор қалб учун озуқадир. Муқаддас Китобда таом тайёрлаш учун зарур бўлган ярим тайёр маҳсулотлар бор. Биз — воизлар ва муаллимларни ошпазларга ўхшатиш мумкин. Бизнинг ва-зифамизга мазали таом пишириш киради. Яхши таълимот ёки ваъз руҳий озуқадир. Муқаддас Китобдаги бизга ўргатилган ёки ўқиб берилган ҳақиқат, бу ҳақиқат тўғрисида Худо билан суҳбат, бу ҳақиқат билан ўзимизни ўзимиз текширишимиз ва ўзимизнинг ҳаётимизни бу ҳақиқат раҳнамолигига топширишни руҳий озуқа тайёрлаш билан қиёслаш мумкин. Сифатли ва доимо истеъмол қилинадиган овқат ўсиш ва улғайиш йўлида танани мустаҳкамлайди. Руҳий озуқани истеъмол қилиш жараёнида эса руҳ билан айнаи ўша ҳодиса юз беради. Руҳий иштаҳанинг йўқолиши руҳий очкўзлик сингари, кўп миқдордаги овқат ҳазм бўлишига улгурмайди, бизни чинакам руҳий соғломлик ва ўсишдан бошқа томонга олиб кетади. Шунинг учун ана шу иккала касалликка берилмасликнинг уддасидан чиқиш жуда муҳимдир.

II. МУҚАДДАС КИТОБНИ БИЛИБ

Муқаддас Китобда тасвирланган айрим воқеалар, айниқса, Исога тегишли воқеалар бир неча марта оғиздан–оғизга ўтгандан кейин ҳақиқийлигини йўқотади. Бу «бузук телефон» ўйинига ўхшайди. Бу ўйинда биринчи иштирокчи иккинчисининг қулоғига «Бобби сени севади» деган гапга ўхшаш ниманидир шпипшийди. Охирги одамнинг қулоғига эса «Менда яшил пишлоқ бор» деган гап етиб келади. Биз Муқаддас Китоб воқеаларининг аниқлигига ишонсак бўладими?

Исонинг илк шогирдлари бир куни Унинг ваъзини эшитиб, бу ваъзни қайта–қайта такрорлаб, халқларга олиб бордилар. Исонинг ҳамма шогирдлари жамоа билан зич алоқада яшадилар, уларнинг ҳар бири у ёки бу воқеанинг гувоҳи бўлдилар, шунинг учун бир–бирининг тасдиғини текшира олардилар. Исо тўғрисидаги гувоҳликларни улар ёзиб ола бошлаганларидан олдин шунчаки бузиб кўрсата олмасдилар. Исонинг илоҳийлигини ва У кўрсатган ажойиботларни инкор қилувчи скептиклар бузилган ўринлар борлигини далиллашга уринадилар, аммо биз уларга ишонишимиз керак эмас.

Скептикларга битта усул билан эътироз билдириш мумкин: уларнинг эътиборини шунга тортишимиз керакки, бизгача етиб келган Муқаддас Китоб таржималари машхур олимлар томонидан бажарилган. Бу олимлар қадимги яҳудий тилини аъло даражада билганлар (Эски Аҳд шу тилда ёзилган, фақат пайғамбар Дониёр китобидан айрим парчалар оромий тилида ёзилган), шунингдек, Янги Аҳд қадимги грек тилида ёзилган. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Муқаддас Китобда баён қилинган воқеаларнинг ҳақиқийлигига шубҳа йўқ, таржималар асл матн билан ишлайдиган коллеж ва семинария ўқитувчилари томонидан, қадимги тиллар билан ишлайдиган мутахассислар томонидан узлуксиз текшириб борилади. Таржимани текшириш учун у ёки бу таржиманинг тўғрилигини тасдиқлаш учун қанча одамдан эшитишни истар эдингиз?

Бошқача айтганда, ҳақиқатан скептикларнинг Муқаддас Китобга муносабати тўғрисида эмас, балки уларни ишонтириш тўғрисида муаммога дуч келасиз. Бизнинг ихтиёримизда Муқаддас Китобнинг инглиз тилига ўнлаб ажойиб таржималари борлиги учун, дунёдаги бошқа тилда гапирувчиларга нисбатан бизнинг халқимиз кўпроқ марҳамат олди. Дунёдаги бошқа биронта халқ ишончли таржималарни шунчалик танлаб олиш имкониятига эга эмас.

Скептикларнинг фикрлари шубҳалар атмосфераси билан ўралган. Менимча, кўп ҳолларда уларнинг шубҳалари Муқаддас Китобга ўзларининг ножиддий муносабатларини оқлашга уринишдан иборат.

Муқаддас Китобнинг қайси таржимаси аниқроқ?

Яхши савол. Муқаддас Китобнинг инглиз тилига ўнлаб асосий таржималари бор. Уларнинг ҳаммаси бир хилда яхши, ҳатто жуда зўр. Баъзилар кўплаб таржималар тўғрисида гапириб, гўё улардан биттаси мутлақо аниқ таржима эмас, деб айтадилар.

Аслида сабаби бошқа. Масалан, сиз музқаймоқ сотиб олмоқчи экансиз, ўзингизга мазаси ёққанини танлайсиз, аммо бошқа навлари ҳам мазали—ку. Худди шу сингари, Муқаддас Китоб таржималарининг ҳаммаси ҳар хил, гарчи бир тилга таржима қилинган бўлса ҳам. Уларнинг ҳаммаси бир хилда яхши таржима бўлгани учун, ҳар бири ишончли.

Қирол Ёқуб таржима қилган Муқаддас Китоб (King James Version) 1611 йили амалга оширилган. Сиз бу таржима билан танишмисиз ё йўқми — билмайман. Агар уни ўқиган бўлсангиз, бу таржиманинг тили замонавий таржиманикидан кескин фарқ қилишига эътибор берган бўлардингиз. Ахир, бу таржима Шекспир замонидан бизгача етиб келган. Бу таржима эсдан чиқмайдиган улуғвор жаранглайди, лекин шу билан бирга, архаик ва кўп ўринларда тушунарсиз лексикага бой. Ҳозирги таржималар эса кўпроқ тушунарли тилда Муқаддас Китоб матнини баён қилади.

Сиз, қайси бир таржима яхши, деб қизиқасиз. Бу ўзингизга боғлиқ. Менинг қарашимча, бугунги кунда энг кенг тарқалган инглизча таржима — Янги халқаро таржима (New International Version) дир. У билан бир қаторда Янги жонли таржима (New Living Translation) — Жонли Муқаддас Китобнинг мукамалаштирилган таржимасидир. Янги халқаро таржима билан янги жонли таржималарни филологлар парафраза деб айтдилар. Бошқача айтганда, бу сўзма—сўз таржима эмас, чунки бу таржималарда оригинал матнни сўзма—сўз беришга эътибор қаратилмаган, балки матннинг маъносини беришга эътибор берилган. Шунинг учун матннинг чуқур мазмунини баён қилиш масаласида иккала таржима барабар эмас. Уларни ўқиш осон. Бу ўринда Янги Аҳд таржимасини эслаш кифоя. Янги Аҳд «Мактуб» номи билан аталиб, Юджин Петерсон томонидан амалга оширилган. Таржима эркин, аммо маҳорат билан бажарилмаган парафраз.

Яна бир эски таржима бор, гарчи ёрқин бўлмаса ҳам, аниқ ва тушунарли бажарилган. Бу таржима яҳудийча ва грекча ориги-

нал матнларга сўзма–сўз эргашади ва содда инглиз тилида баён қилинади. Бу — қайта таҳрир қилинган стандарт таржима (Revised Standard Version) бўлиб, инглизча стандарт таржима (English Standard Version)ни янгиланган вариантыни ўзида гавдалантиради. Муқаддас Китобнинг қирол Ёқуб янги таржимаси (New King James Version) ва Америка янги стандарт Муқаддас Китоби (New American Standard Bible) ҳам адабий жиҳатдан чуқур ишлангани ва оригиналга ғоят яқинлиги билан ажралиб туради. Менимча, ҳар биримиз Муқаддас Китобнинг камида иккита — ҳар бир туридан биттадан инглизча таржимасига эга бўлишимиз керак.

Мен Муқаддас Китобнинг инглиз тилига асосий таржималаридан ҳар бирини тавсифлаб беришим мумкин эди, аммо уларни санаб бериш билан чекланишни афзал деб биламан.

Таҳририятдан

Муқаддас Китоб ўзбек тилида

Муқаддас Китоб тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадим Ўзбекистон тупроғида минг йиллардан олдинги даврларга тўғри келади. Буюк ўзбек мутафаккири ва олими Абу Райҳон Беруний «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Мусонинг беш китоби Таврот, жумладан, «Қонунлар», Мусо тўғрисида батафсил маълумотларни келтиради. Шунингдек, Исо Масиҳнинг Ёғ суртилган ва Нажоткор экани, Хушxabар, Дониёр ва бошқалар тўғрисида батафсил маълумот беради.* Албатта, Ўрта Осиёда, хусусан, Туркистон ўлкасида Эски ва Янги Аҳднинг омма орасида кенг тарқалгани Берунийнинг бу китобида берган маълумотларидан яққол кўринади. Аммо бу даврда Ўрта Осиёда араб ва форс тиллари аҳолининг асосий тили бўлгани ҳолда, бу тилларга ёки ўзбек тилига таржималари тўғрисида маълумотлар йўқ.

* Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения. Издательство Академии наук Узбекистана. Ташкент, 1957, 25, 26-бетлар.

Ўрта Осиёда, хусусан, Туронзаминда пайгамбарлар тарихига оид бир қатор асарлар яратилган. Хусусан, XIV асрнинг бошларида яратилган «Қисаси Рабғузий» асарида Муқаддас Китобпайгамбарларитўғрисида батафсил маълумотлар берилган бўлиб, уларнинг Исроилдан эканликлари аниқ далиллар асосида баён қилинган. Айни пайтда Мусонинг, Исо Масиҳнинг қўплаб кўрсатган мўъжизалари Муқаддас Китобдаги воқеалар билан айнан бир хилдир.

Муқаддас Китобнинг ўзбек тилига таржимаси XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлади. Хусусан, «Туркистон вилоятининг газети» бош муҳаррири Н. Остроумов 1891 йили Янги Аҳднинг тўртта Хушхабарини ўзбек тилига таржима қилган ва Лейпцигда нашр қилдирган. Бу ўзбек тилига дастлабки таржима бўлиб, Туркистоннинг ерли аҳолисини Хушхабар билан таништиришда катта рол ўйнаган. Орадан юз йиллар ўтгач, 1973 йили Стокгольмда Муқаддас Китобни таржима қилиш институти томонидан тўрттала Хушхабарни ва Эски Аҳддан Таврот ҳамда Забурни таржима қилиш бошланган эди. 1992 йили Янги Аҳд тўлиғича ва Эски Аҳддан Таврот, Забур ўзбек тилида чоп этилди. Ўтган йиллар давомида Туркия Муқаддас Китоб жамияти томонидан мазкур таржима бир неча марта катта нусхада нашр қилинди ва ўзбек ўқувчилар қўлига бориб етди.

Ҳозирги пайтда Эски Аҳд тўлиғича ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилиш арафасида. Шунингдек, Янги Аҳднинг, Таврот ва Забурнинг илгариги ўзбек тилига қилинган таржимаси қайтадан кўриб чиқилди ва айрим тузатишлар киритилиб, чоп этишга тайёрланди. Бу улкан ишни амалга оширишда Бутунжаҳон Муқаддас Китоб жамияти, Москвадаги Муқаддас Китобни таржима қилиш институти ва Ёзги лингвистика институти амалий маслаҳатлар бердилар.

Хуллас, Муқаддас Китобнинг ўзбек тилига таржимаси ўз тарихига эга, айни пайтда ўзбек халқининг маданий ва маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Сизнинг айтишингизга қараганда,
Исонинг издошлари Унинг фаолияти тўғрисидаги
гувоҳликларни ва Унинг шуҳратини оғзаки
шаклда етказар эканлар. Буларни ёзиб
олишга қачон қарор қилинган?**

Биз тўртала Хушхабардан фойдаланамиз. Буларда Исонинг масаллари ва ҳикматли сўзлари ёзилган. Деярли ҳамма мутахассислар шуни тасдиқлайдиларки, Инжил эрамизнинг 50–90–йиллари оралиғида ёзилган. Тўртала Инжил бир–биридан фарқ қилади, чунки инжилшунослар Матто, Марк, Лука ва Юҳанно қирқ йил давомида турли даврларда ёзганлар. Маълум фарқлар натижасида баъзи одамларда бу китобнинг ҳақиқийлигига шубҳа уйғотади. Аммо бунинг ёзиб олингани далили шубҳасиз. Мен сизларнинг эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман: тўртала Хушхабар Масихнинг заминдаги ҳаёти пайтида кўрган одамлар томонидан ёзилган. Шундай қилиб, уларнинг ёзувларини текширишни ва ишончлигига гувоҳлик беришни Масих хочга михлангунга қадар Унинг издошлари бўлган одамлар удасидан чиқа олардилар.

Ўша пайтларда одамлар ўзларининг хотирасига суянишларига тўғри келарди, шунинг учун улар хотирада сақлаб қолишга ўрганганлар. Улар камдан-кам ҳолатларда ёзиб олганлар, аммо кўпинча хотирада сақлаб қолганлар. Шу билан бирга, бу одамлар, биз сингари, хат, битим, китоблар ёзганлар. Шу боис муҳим ахборот ҳар доим ёзма шаклда келган. Хушхабарни бутун олам бўйлаб ёйиш учун — Жамоатнинг вазифаси ҳам шундан иборат эди — шунингдек, жамоатларда Худога хизматни олиб бориш учун Исо ҳақидаги ҳамма далиллар ёзма равишда қайд қилинган. Тўртала Хушхабар ёзилгунга қадар кўпчилик Исонинг сўзларини ва унинг фаолияти тўғрисидаги гувоҳликларни ёзиб олган эдилар (қаранг: Лука 1:1–4). Юқорида айтганимдай, Исонинг кўп шогирдлари, айниқса, ўн бир ҳаворий, чамаси, ўттиз ёшдан юқори бўлмаган ёш йигитлар эди. Улар Исонинг

сўзларини ёдда сақлаб қолганлар ва Исо қилган ишларни дарров унутмаганлар. Албатта, биз шунга ишонишимиз керакки, Инжилда ёзилганларнинг ҳаммаси ишонарлидир.

Менинг ёшим етмишдан ўтди. Шунга қарамай, талабалик йилларимни ва иккинчи жаҳон урушини жуда яхши эслайман, шунинг учун мен Исо ҳақидаги далиллар хотирадан ўчиб ёки Инжил ёзилгунга қадар бузилиб кетганига ишонмайман. Бу тамомила сафсатадир.

Илм оламида ҳар доим бир–икки ноанъанавий қарашларга маҳкам ёпишиб олган ғалати табиатли одамлар топилади. Бугунги кунда ҳам Муқаддас Китобдаги кўп воқеаларнинг ишончлилигига шубҳа билан қарайдиган олимлар бор. Эҳтимол, сиз шундай одамларнинг кўпчилигини бирлаштирадиган Исо семинари деган сўзни эшитгандирсиз. Бахтимизга, ундай одамлар оз. Мен доимо Муқаддас Китобни ўраганидиган мутахассислар даврасига интиламан ва шуни айта оламанки, кўпчилик олимлар тўртала Хушхабардаги ахборотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа билан қарамайдилар, уларнинг нуқтаи назари мантикий таҳлил орқали тасдиқланади.

Эски Аҳд Янги Аҳдга қараганда бирмунча мураккаб, Эски Аҳднинг ҳақиқийлигига ишонсак бўладими?

Бу ўринда ҳам скептиклар оз эмас. Аслида Эски Аҳднинг тарихий китоблари бир бутунликни ташкил қилади. Бу китоблар у ёки бу воқеаларни ҳикоя қилиб, бир–бирини тўлдиради. Китобларда батафсил воқеалар тасвирланган ҳодисаларнинг ишончлилигини кўрсатади. Илк ота-боболар ва Мусо, шунингдек, шоҳлар давридаги, яҳудийларнинг ўз юртларидан қувилиши ва уларнинг қайтиши воқеалари мутлақо ишончли маълумотлардир. Бошқача айтганда, Эски Аҳднинг тарихий ҳақиқат эканига шубҳа қилиш учун асос йўқ. Ҳамма аломатлар Эски Аҳднинг ҳақиқийлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Энди олдинга қадам ташлашдан олдин, қандай қилиб Яратувчимиз бизнинг Гуноҳ ювувчимиз бўлиб қолгани тўғрисидаги воқеани эслаш зарур. Бунда Муқаддас Китоб тарихий далилларга таянади. Албатта, Эски ва Янги Аҳд фақат юз берган воқеаларни баён қилиб қолмайди. Улар илоҳий ваҳий — пайғамбарларга ва бошқа одамларга мактублардан, шунингдек, Раббий Исода мужассамлашган таълимотдан иборат. Иккала Аҳд Илоҳий Калом билан, яъни Худонинг хоҳиш-иродаси тўғрисида Худо берган ҳақиқат билан, фаолият ва йўллар билан, солиҳ ҳаётга оид кўрсатмалар билан тўла. Илоҳий таълимот далилларда, воқеаларда, персонажларда очилади. Биз буларга воқеалар баёнида, матнларга ёйилиб кетган талқин ва шарҳларда, хаворийларнинг мактублар кўринишидаги ваъзларида, Эски Аҳднинг донишмандона ёзувларида бизга тақдим қилинган ҳаётга қарашнинг насрий ва шеърий баёнида дуч келамиз (кимдир Забур бизга ибодат қилишни ва раҳм-шафқат сўрашни, Ҳикматлар — яшашни, Сулаймоннинг гўзал қўшиқлари — севгини, Аюб китоби — азоб-уқубат тортишни, Воиз — шод бўлишни ўргатади, деб тўғри айтган эди). Муқаддас Китобни ўрганиш бизни Худони ўрганишга олиб келсин, деб истасангиз, сиз нафақат тарихни, балки илоҳиётни ҳам билишингиз зарур.

Муқаддас Китобни ўқишни қайси китоблардан бошлаш керак?

Мен Матто, Марк, Лука ва Юҳанно хушхабаридан бошлашни таклиф қилган бўлардим. Бу китоблар Исо тўғрисида айтади, уларда сиз тирик Исони кўрасиз, Уни эшитасиз. Бу китоблар Инжил деб ном олган, чунки Хушхабар, яъни Исо ҳақидаги — Нажоткор ва Раббий ҳақидаги қутқарувчилик ҳақиқати бу китобларнинг ҳар бирида уларнинг муаллифлари тасаввурларига, материал танлаш ва жойлаштириш тамийилларига мувофиқ батафсил баён қилинган. Шунинг учун бу китоблар нафақат Муқаддас Китобнинг бошқа китобларига қараганда, балки ду-

нёдаги бошқа китоблар орасида ҳам энг қимматлисидир. Бу китобларни кўпроқ ўқинг. Кейин Ҳаворийлар китобини бошланг. Бу китоб тўртала хушхабардан кейин келади. Сиз бу китобдан Исонинг илк издошларига дуч келасиз. Улар Каломни олам бўйлаб ёйган эдилар. Кейин Ҳаворийларнинг мактубларини ўқишни бошланг. Уларда сиз Павлус, Юҳанно, Бутрус сингари одамларни яна учратасиз. Улар олийжаноб чўпонлар сингари, сиз билан бизга ўхшаган жамоат ва шогирдларга ўғит берганлар. Улар оддий сўзлар билан шогирдлар ва жамоатларни содиқ масиҳийлар, Самовий Ота болалари бўлишга ўргатадилар. Кейинги мактублар ҳам куч—қудрат ва теранлик билан тўла. Шунинг учун у китобларни ўқишни кейинроққа суришни тавсия қиламан. Эски Аҳдни Янги Аҳд нурида ўқиш керак. Янги Аҳд бизга Масихдаги янги ҳаётни таклиф қилиб, Эски Аҳдга олиб боради. Эски Аҳднинг асосий китоблари — Ибтидо, Чикиш, Ишаё пайғамбар китоби, Забурдир.

Бу китобларни ўзлаштириб олганингиздан кейин, ваъзларга ва жамоатингиз таълимотига эътибор беринг. Муқаддас Китоб моҳиятини тушунишингиз сизга ёрдам беришга қодир бўлган дўстларингизнинг доно маслаҳатларидан фойдаланинг. Масиҳийлик ҳаётининг бошланишида тажрибали масиҳийлар билан кўпроқ мулоқот қилиш имкониятларидан ўзингиз учун кўпроқ фойдаланиш жуда муҳим. Чунки Муқаддас Китоб саҳифаси бир минг тўрт юз саҳифа бўлиб, майда ҳарфлар билан берилган. У китобларни мустақил ўрганиш кўп вақтни талаб қилади.

Одам Худони яхши тушунишига олиб келадиган Муқаддас Китобни ўрганишнинг самарали усуллари қандай танлаш керак?

Мен бу соҳада ўзимни мутахассис ҳисобламайман, аммо ўзимнинг кўп йиллик муаллимлик ва амалий тажрибамдан келиб чиқиб қуйидаги усулни тавсия қиламан.

Муқаддас Китобни очиб, Худонинг иштироки бор жойда турибман, деб ҳаёлингизга келтиринг. Муқаддас Китобнинг муаллифи азалдан Худонинг Ўзидир, деб ўзингизга эслатинг. Мактубда сизга бефарқ бўлмаган одамни учратганингизда, ўхшаш рухий бирликни излайсиз. Олдинга қадам ташлашдан олдин, шу тўғрида эслаб, фикр юритинг. Кейин Худодан: «Менга гапир, Муқаддас Китобда ёзилган Сенинг сўзларингни эшитиш учун менга имконият бер», деб сўранг.

Энди ўқишга киришинг. Мен, Муқаддас Китобнинг ҳаммасини ўқинг, буни доимий равишда қилиб бориш керак, деб маслаҳат бераман. Сиз билан бирга бутун Муқаддас Китоб билан танишиб чиқамиз, яна бир неча марта Китоб саҳифаларини varaқлаймиз. Кунига тўрт боб сиз учун етарли деб ўйлайман. Бундай ҳолатда бутун Муқаддас Китобни ўқишга бир йилча вақт кетади.

Айрим энг муҳим китобларга алоҳида эътибор қаратинг, гарчи бу тавсияларимнинг иккинчи пунктига зид бўлса ҳам. Муқаддас Ёзувнинг айрим китоблари, Худонинг Ўз халқига айтган сўзлари сингари, бошқа китобларга қараганда, кўпроқ маънавий қимматга эга. Яқинда мен тўртала Хушхабар ҳақида гапириб, унда барҳаёт Раббийни учратасиз, бу китоблар дунёдаги энг қимматли Китоблардир, деб айтган эдим. Бу Китобларни бошқаларига қараганда кўпроқ ўқиш керак. Шу билан бирга, Забурни доимо ўқиб боринг, ҳеч бўлмаганда, кунига бир–икки санони (118–санони саккиз оятдан йигирма иккита қисқа парчаларга бўлинг). Ҳамма санолар бир–биридан фарқ қилади. Улар орасида ибодат, кечирим, шикоят қўшиқлари бор. Яна шундай санолар борки, уларда забурчининг ҳамду саноси билан ибодати ўртасидаги санони ифодалайди. Бу сано Худо забурчи ва бошқалар учун қилган буюк ишларга қаратилади. Сиз Забурдан ўзингизнинг ички ҳолатингизга мос санони топишга ҳаракат қилишингиз керак. Шунда санолар кундан–кунга мутлақо сизники бўлиб қолади. Агар қалбингиз ибодатга тўла бўлса, бу сизга мураккаб кўринмайди, чунки кўпчилик санолар айнан ибодат сифатида ёзилган. Агар жонингиз азоб чекаётган бўл-

са, уни покланг: ҳамма қийинчиликларингизни Худога ташланг, шикоят мазмунидаги сано сўзлари билан ибодат қилинг. Айрим санолар Худонинг ўтмишдаги ҳузур–ҳаловати тўғрисида хотира сифатида ёзилган. Шунинг учун уни ўқиб, ўзингизнинг ўтмишингизга назар ташланг ва Худо кўрсатган меҳрибонликларни эсланг. Агар мўл–кўллик, тезкорлик, тўсатдан ўзгаришлар сизга бажариб бўлмайдигандай туюлса, умидсизликка тушманг. Буни ёзган одам сиз билан биздан кўра, Худода мукаммал ҳаётга эга эди, шунинг учун уларнинг даражасига етишувимиз учун, бизга вақт керак (масалан, мен имонли бўлганимдан буён йигирма йил ўтди, мен унга яқинлигимни ҳис қилгунимча, умид қиламанки, сиз мени билиб оласиз).

Қалбингизда алоҳида акс садо берадиган Китоблар устида узоқроқ тўхтанг. Мени безовта қиладиган шундай Китоблардан бири — мен бу Китобни қайта-қайта –ўқийман — ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубидир. Павлуснинг баён қилиш усули шундан иборатки, нажот топшимиз учун Раббий қилган ишларни биз ўрганишимиз керак. Бу мактубда ҳаммаси бор. V асрда яшаган Антиохиялик епископ Юҳанно Златоуст ҳафтада бир марта Римликларга Мактубни овоз чиқариб ўқиб беришларини илтимос қиларкан. Мен уни тушунаман.

Шундай қилиб, хулоса сифатида: биринчидан, Худонинг иш-тирок этишига итоаткорлик билан киришинг; иккинчидан, бутун Муқаддас Китобни ўқиб чиқинг; учинчидан, энг қимматли Китобларга алоҳида эътибор қаратинг, буларнинг орасида, менимча, тўртала Хушхабар ва Забур анчагина аҳамиятли. Тўртинчидан, сизнинг қалбингизга кучли таъсир этадиган Муқаддас Ёзув Китобларига кўпроқ тўхталинг.

Муқаддас Китобнинг қайси Китобларини бошқаларидан кўра кўпроқ ёқтирасиз?

Мен кўпинча Воиз китобидаги ўн қаторли доноликдан иборат парчага мурожаат этаман. Бу ном грекчада «Екклезиаст» деб

номланади, шунингдек, «устоз», «нотик», «философ» ёки «олим» деб таржима қилиниши ҳам мумкин. Ҳайратланишимнинг ягона сабаби шуки, Воиз Китобини ўқиш мен учун енгил. Воиз ғамгин, аммо ажойиб равишда айтган қуйидаги гаплар қалбимнинг энг теран жойларига етиб боради: азобли фикрлашлар тўғрисида (қанчалик кўп билсанг, шунчалик оғрик пайдо бўлади), қизиқарли туюлган зерикиш тўғрисида, жамғаришнинг беҳудалиги тўғрисида, ҳаммаси худди шамолни тутишга ўхшаш беҳуда, курама матодан қилинган кўрпача сингари ҳаёт тўғрисида. Худога нисбатан бепарво муносабат, ишониш мумкин бўлган ягона нарса — ўлим тўғрисида. Бу туйғу ёшлигимда қалбимга ўрнашган эди, ҳозиргача мени тарк этмайди.

Воизнинг, ҳаётда оддий нарсалардан — ишдан, таомдан, оиладан хурсандчилик топиш керак, деган сўзлари менда хурсандчилик ва табассум қилиш истагини пайдо қилади, чунки мен бунини бутун онгли ҳаётимда ҳис қилдим. Асоссиз оптимизмдан узоқ феъл–атворим мени Воиз томонда маҳкам ушлаб туради, чунки Воиз Китоби бошдан–оёқ реализмга асосланган. Менга шубҳасиз, шу нарса маълумки, ҳиссиётлар (агар уни маълум эмоционал бўёқлар билан йўғрилган интуиция сифатида тушунсак), айниқса, қайғули ҳиссиётлар бутунлай реалистик бўлмаслиги мумкин. Менинг энг чуқур ҳис–туйғуларимдан баъзилари Муқаддас Китоб донолиги билан зич боғланганини билишим ўзим учун ёқимлидир.

Қалбимда Воиз Китобининг хулосаси доимо жаранглаб туради: «Ҳамма нарса айтилди, мана энди хулоса: Худодан қўрқ, Унинг амрларини бажар, чунки бу ҳамманинг бурчидир. Ҳар бир ишни, ҳатто яширин қилинган ишларни ҳам, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, Худо ҳукм қилади» (Воиз 12:-13–14). Китоб муаллифи бу сўзлари билан ҳаётдаги тасодифлар ва қайғулар тўғрисида эслатиб, Худога хизмат қилишга ва бизга қарата айтилганларни ижро этишга даъват қилади. Шунда биз чинакам йўлдан адашмаймиз. Биз, нима бўлганда ҳам, солиҳ ҳаёт кечиришда давом этишимизни Худо истайди.

Эски Аҳддаги бу ўғитлар ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга биринчи Мақтубидан куйидаги сўзлар билан уйғун келади: «Шунинг учун, эй севимли биродарларим, қаттиқ ва маҳкам туринглар. Ҳамиша Раббимиз хизматида бўлиб, янада ғайратли бўлинглар. Шунинг билан, Раббимиз йўлида қилган меҳнатингиз фойдасиз бўлмайди» (1 Коринфликларга 15:58). Шундай қилиб, Воиз китоби ҳаворий Павлусни эшитишимга ёрдам берди, Павлус эса Воизни тушунишимга қўмаклашди. Бу икки парча менинг қалбимда акс садо бераётгандай туюлади, мен ҳам шу парчалардан шод-хуррам бўлиб, йўлимда давом этапман.

III. ХУДОГА ЯҚИНЛАШИБ

«Исони танлаш» нимани билдиради?

Кимгадир бу гап яхши таом буюриш мақсадида ресторандаги менюни кўздан кечиришни эслатади. Одам кўп таомлар орасидан ўзига кўпроқ ёққанини танлайди. У ўзига ёққан таомлардан бири йўқ бўлганда, доимо бошқасига буюртма бера олади. Аммо Масихда нажот топиш бошқача манзара касб этади. Нажот топиш юз берганда, уч манбага эга муқаррарлик ҳиссиёти пайдо бўлади: биринчидан, Инжил ҳақиқати таъсири шунчалик равшанки, ўша ҳақиқатга бепарво бўлмаслик керак; иккинчидан, одамни Исо Масихга юз буришга даъват қиладиган илоҳий туйғунинг иштироки бор: учинчидан, Исо Масихсиз ҳаёт тамомила бой берилганини англашдир. Бу ҳиссиётни бизда Раббийнинг Ўзи — бизга томон биринчи қадамни ташлаганда, парваришлайди.

Биз Муқаддас Рух даъватини «олдинги меҳрибонлик» деб атаймиз. Айбдорлигимизни англашга олиб келадиган бу илоҳий қадамсиз ўзимизни Масихга бағишлай олмаймиз, яъни «Исони танлай» олмаймиз, агар шундай деб аташни маъқул кўрсангиз.

Исо Масихга қалбимизнинг интилиши ҳар доим ҳам ягона узилиш билан юз бермайди, камдан–кам ҳолатларда хотиржам ва ақл–идрокка асосланган ҳолда юз беради. Аксинча, ташқи

томондан бу ҳаракат кўпинча олдинга ҳаракат қилишга астойдил қаршилиқдан пайдо бўлади. Клайв Льюис Масихга юз бурганини таҳлил қилиб, шундай ёзади: «Ўзим учрашишни асло истамаганим билан иккиланмай, жимгина яқинлашдим». У: «Имонсиз одам, динга алоқадорлиги даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳукмронлик билан ундан содиқ бўлишни талаб қиладиган ҳақиқий Худони ва барҳаёт Исони излашим мумкин», деган фикрга қўшилмайди (бундай одамни сичқонни пойлаётган мушукка қиёслаш мумкин). Лекин ҳар бир ҳақиқий юз буришда Масихнинг қудратли севгиси, «хочдаги ўлимгача бўлган севги» бизга олдинги севгини кўрсатиб, ҳақиқатан қалбимизни ўзгартиради. Шунда сиз Нажоткорнинг ҳақиқатан борлигига ишонибгина қолмай, балки У билан гаплашасиз, Уни қабул қиласиз, Унга ўзингизни бутунлай бағишлайсиз, аммо бундай қилишингиз керак бўлгани учун эмас, балки шунга чанқоқ бўлганингиз учун қиласиз. Исаак Уотте бу туйғуни шеърда шундай ифодалаган эди:

О қудратли Худойим, Шохим,
 Ҳимоячим ва Раббим!
 Сенинг қурбонгоҳингга келтираман
 Ҳамду саною оғзимнинг самарасини.

Мен одамларга шунчалик ёмонлик қилган бўлсам, Худо мени қандай қилиб севиши мумкин?!

Худонинг кўзи олдида ҳар бир одам гуноҳқордир. Унинг: «...кўзлари шу қадар покизаки, ёвузликка қараб туролмайди» (Хаваққук 1:13). Гуноҳ — бу иллат, ҳар биримизни бутун ҳаётимиз давомида сарсон қилади. Бирон одам, Исо Масихдан ташқари, гуноҳдан қочиб қутула олмади. Англия жамоатининг ибодат сўзларида қуйидагиларни ўқиймиз: «Биз кўпинча ўзимизнинг мойиллигимиз ва истакларимизга риоя қиламиз. Қилишимиз керак бўлган ишни эмас, балки талаб

килинмаганини қиламиз ва натижада руҳий соғломликка эга бўлолмаймиз». Лекин гуноҳларнинг кечирими бор:

«Эй Эгам, гуноҳларни ҳисобга олсанг агар, Эй Раббим, ким ҳам бардош бера олар?! Аммо Сен кечиримлисан, Шу боис Сендан кўркамиз» (Забур 129: 3–4). Бу хабарда калит сўз — «аммо» сўзидир. Агар гуноҳларимиз кечирилмаса, биз қаерда бўламиз? Мутлақ ҳолатга етиб борган, Худо номи билан инсонни парчалаб ташлайдиган виждон азоби — ҳақиқий дўзах ана шудир.

Машхур илоҳиётчи Мартин Лютер гуноҳини англаб эзилган дўстига хатида шуни ёзган эди: «Хочга михланган Масиҳни билишга ҳаракат қил. Уни мадҳ қилишга ўрганиб, шундай деб айт: «Эй Раббим! Сен менинг солиҳлигимсан. Мен Сенинг гуноҳингман. Сен Ўзингга мени олдинг. Ўзингни эса менга юкладинг».

Бизнинг ишончимиз сизни барҳаёт Масиҳ билан боғлайди. Шунда улкан алмашувлар юз беради. Исонинг гуноҳни ювадиган ўлими сабабли Худо сизни солиҳлар қаторига қўшди ва гуноҳларингизни кечирди.

Масиҳийлар жамоатхонага боришлари шартми?

Биз бир–биримизга: «Мени севсанг, итимни ҳам сев» деб мурожаат этганимиздай, Раббий ҳам бизга шундай дейди: «Мени севсангиз, Менинг Жамоатимни ҳам севинг». Ўзини масиҳий деб атайдиган, лекин шу билан бирга ўзини Жамоат билан бир деб ҳисобламайдиган одам Жамоатни севмайди, ўзини унга бағишламайди, унинг эҳтиёжларини ўзи билан олиб юрмайди, ундай одамнинг ишлари жойида эмас. Келинг, Эфеслик имонлиларга ўғит берган ҳаворий Павлусга қулоқ солайлик: «Эй эрлар, Масиҳ имонлилар жамоатини севиб, улар учун Ўзини қандай фидо қилган бўлса, сизлар ҳам хотинларингизни шундай севинглар. Масиҳ имонлилар жамоатини муқаддас қилай, деб уларни сув билан ювди ва Ўз каломи орқали тозалади, токи устида бирон ғубор, ажин ёки доғи қолмаган, муқаддас, бенуқсон, камо-

ли чиройли бир жамоатни Ўз ҳузурига элиб кўйсин» (Эфес. 5:25–27).

Жамоатга севгимизни қандай ифода этамиз? Янги Аҳдда жамоат ўз ваъзлари ва таълимоти билан Худони шарафлаш ва унга ибодат қилиш учун, ўзаро қўллаб–қувватлаш ва масъулият билан биродарларча ғамхўрлик ва қавмбошилиқ васийлигини кўрсатиш учун, Исо Масихга ваъзлар, қўшиқлар, сирли зиёфат, имон келтириш орқали мактов ва ҳамду сано учун, мухтожларга Исо ҳақида олам бўйлаб Хушхабар ёйиш учун Худо халқининг доимий йиғинидир. Жамоатга севгини бундай тушуниш солихликни, содиқликни ва ҳаётий кучни (бизга тинчлик бермайдиган иштиёкни) излашда ўз ифодасини топади. Буларнинг ҳаммаси жамоатнинг Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух ёрдами билан биргаликдаги ҳаётида ўз аксини топади. Биз — имонлилар, бу ҳаётни баҳам кўришимиз керак.

Нима учун турли деноминациялар мавжуд?

Бу ерда — ғарбда биз бугунги кунда «бизнинг жамоат» деб айтар эканмиз, ё йиғин учун ёпиқ зални, ибодат қилиш учун аудиторияни, ё бошқа жойни, ёхуд деноминацияни, одамларнинг бир хил тарздаги фикрлашини ё бўлмаса хулқ–атвори бирлигини тушунамиз. Аммо Янги Аҳдда жамоат биноси ҳам, деноминация ҳам эсланмайди (деноминация имонлиларнинг умумийлигини ифодалаб, улар масиҳийликнинг асосий ақидалари билан бир қаторда, ўзларининг ақидапарастлик, ахлоқий таълимотга оид, этник ва бошқа ҳар қандай характерни ва бутун Яқин Шарқ халқлари таркибида ўзларини бир оила деб қарашларини ифодалайди). Деноминация — замонавий масиҳийликда муқаррар ҳодиса. Улар ўзларининг аҳамиятли эканликларини шу билан исботладиларки, улар бошқалар унутган ҳақиқатга иккиланмай риоя қиладилар. Исо «Менинг Жамоатим» деганда эса, Унга содиқлик бўйича бир бўлган бутун масиҳийлик оламини, Жамоат устидан Унинг ҳукмронлигини ва Унинг даъватини

қабул қилишни, ўзига умумий севгини, содиқликни ва хизмат қилишни назарда тутган эди.

Деноминация алоҳида оқимни ўзида гавдалантирмагани учун, бу маънода унча катта бўлмаган жамоатлар ягона жамоат ҳаётининг турли кўринишлари ҳақидаги тушунчага мос келади.

Агар одам Инжил ҳақида эшитмаган бўлса, Худо уни нажот топиши учун ишончга олиб кела оладими?

Бу масала хаворий Бутрус томонидан кўтарилган эди: «Ҳақиқатан ҳам, Худо тарафкашлик қилмаслигини биламан. Ҳар бир элатда Худодан кўрқадиган ва тўғри ишларни қиладиган ҳар бир одам Унга маъқулдир» (Хаворийлар 10:34–35). Павлус: «У ҳеч қачон Ўзини гувоҳсиз қолдирмади. Сизларга яхшилик қияпти: осмондан ёмғир ёғдирыпти, мавсумида ҳосил беряпти, сизларни емак билан тўйдириб, юракларингизни шодликка тўлдирыпти» (Хаворий. 14:17) деб уни қўллаб–қувватлайди. Бу ерда яна ўзини бутун инсониятга зоҳир қилган Худо ҳақида унинг ёрқин нутқини қўшинг. Бу ҳақда Римликларга Мактубда ўқиймиз (қаранг: 1:18–2:16). У шундай дейди: «Унинг кўринмас хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти, Ўз ижод маҳсулию борликни яратганидан англашилади ва очиқ кўриниб туради. Шундай қилиб, уларнинг узрлари йўқ» (Римликларга 1:20). Мен шунга ишонаманки, бизга берилган маслаҳатларга биноан қилганларимизга мувофиқ, Худо ҳаммамизни ҳукм қилади (бу ҳуқуқ фақат Унга тегишли).

«Масиҳийлик ва дунё динлари» журналининг яқиндаги сонларидан бирида жаноб Норман Андерсон номасиҳий динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан шу саволни ўртага ташлайди: «Бошқа ҳар қандай динга эргашувчи билан шундай ҳодиса юз берадими: раҳмдил Худо унинг юрагига ўзининг Муқаддас Рухини юбориб, ўша одам гуноҳларини англашга ва кечирим олиши зарурлигига рози бўлишга ёрдам беради. Демак, зулмат-

дан чиқишга имконият бериб, ўзини Худонинг меҳрибонлигига бағишлайди — шундай бўлиши мумкинми?

Жавоб ижобий бўлиши керак, чунки шундай бўлиши мумкин: бундан қилиш учун биз ким бўлибмиз? Агар бу ҳақиқат бўлса, бундай одамлар фақат осмонда Масиҳнинг гуноҳ юувчи ўлими билан нажот топиши тўғрисида билиб оладилар, яъни ўзларининг жони Муқаддас Рух орқали янгиланганини биладилар. Ўшанда улар Худонинг олий марҳаматини чексиз шарафлаш билан шухратли жамоатга бирлашадилар. 11 асрдан бошлаб масиҳийлар шунга умид қила бошлаганлар. Ким биларди, балки Суқрот билан Афлотун ҳам шундай бахтга мушарраф бўлгандирлар?

Лекин биз: «Бу Худонинг ваъдасини очмаганлар учун ишончлидир», деб катъий тасдиқлашга асосимиз йўқ. Шунингдек, биз Хушхабарни эшитмаган ёки тушунмаганларнинг ҳар бирига нисбатан бундай хатти-ҳаракатларни Худодан кута олмаймиз. Албатта, гарчи биз бундай имкониятга ҳуқуқимиз бўлса ҳам, бизнинг миссионерлик мажбуриятларимизни заррача камайтирмайди.

Ақли бор одам жаноб Норманнинг сўзлари устида фикр юритиб, вақтини ўтказмайди. Бизнинг хизматимиз шундан иборатки, аввало, биз бировнинг тақдири ҳақида ўйламасдан хушхабарни ёйишимиз керак. Улар ҳақида Худо қайғуради. Худо адолатли ва шафқатли, Худо улар билан ўз ишини қилганини билганимизда, норозиликимизга сабаб бўлмайди. Ҳозирча эса, келинлар, бутун инсоният кечирилиши ва қайта туғилишини, бизни Муқаддас Китоб билан танишувга таклиф қилган ҳар қандай одам кўрсатадиган меҳрибонлик зарурлигини унутмайлик. Келинлар, Худога келадиган ҳаммага нажот берувчи Масиҳни билишда кучларимизни икки барабар кўпайтирайлик.

IV. ҲОЗИРГИ ОЛАМДАГИ ҲАЁТ

Худо менга олдиндан йўл–йўриқ кўрсатаётганини қандай биламан?

Биринчи навбатда, Худо билан сизнинг ўртангизда муносабатлар борлигига ўзингиз ишонишингиз зарур, яъни сиз масиҳийликни қабул қилгансиз, Исони Раббим деб эътироф этгансиз. Худонинг оиласига кириб, Уни Отам деб эътироф этасиз. Агар Худо билан алоқада бўлмасангиз, Унинг сизга муносабати тўғрисида саволлар беришингиз бефойда.

Кейин Муқаддас Китобни очинг. Агар сиз бу китоб билан яхши таниш бўлмасангиз, Китоб билимдонига мурожаат қилинг. У сизга ёрдам беради. Биз масиҳийлик таълимотини ёлғиз ўрганишимиз жараёнида бизни турли бурчакларга тарқатиш Худонинг нияти бўлмаган.

Бу саволга жавоб беришни истаб, мен ортга қайтаман ва сиздан: «Сиз айнан нимани билишни хоҳлайсиз?» деб сўрайман. Муқаддас Китобда Худо Ўз таълимотини батафсил ўргатган, Унинг таълимоти ҳар бир масиҳийнинг ҳаёти хусусиятларига тегишли. Агар сизнинг саволингиздан, масалан, шундай мазмун — «Худо менинг ҳар бир қароримни текшириши ва мен тушунадиган аломат бериши учун нима қилишим керак?» ёки «Худо менинг келгусидаги эллик ёки етмиш йиллик ҳаётимда

нимани режалаштирганини қандай била оламан?» деган мазмун англашилса, саволингиз тўғри эмас, чунки Худо ҳеч қачон ваъда қилмаган нарсани сиз сўраяпсиз. Умид қиламанки, сизнинг саволингиз қуйидаги мазмунда бўлади: «Маиший қийинчиликларни бартараф қилишим учун энг яхши усулни танлаб, Худога маъқул бўлишим учун ҳаётимни қандай ташкил қилишим, лавозим пиллапояларига кўтарилишимни қандай ташкил қилишим керак?»

Биринчи навбатда, Муқаддас Китоб биздан Худога Унинг бошқа халқи билан бирга хизмат қилишимизни, яъни якшанба кунлари жамоатга боришимизни талаб қилади. Биз бу талабларни ўз хатти-ҳаракатларимиз устида фикрлаш шароитида бажарсак, Муқаддас Китоб талаблари доирасида қолишга муваффақ бўламиз. Рухий нопокликка йўл қўйманг, асосий ахлоқий қонунлардан устун келадиган нарсалардан узоқроқ туринг. Акс ҳолда сиз жамоатга доимий равишда қатнай олмайсиз ёки Муқаддас Китобни жиддий ўргана олмайсиз.

Энди имконингиз етганини ва қўлингиздан келганини қилинг, чунки Худо бизни айнан шундай яшашга ўргатади. Ҳеч қачон аъло нарса яхши нарсанинг душмани бўлишига имкон берманг. Нима қилманг, ишга жонингиз борица берилинг, юрагингиз совишига йўл қўйманг. Вужудингиз ёниб турсин, масиҳийча ҳаёт шудир. Воиз сўзлари билан айтганда: «Нима қилсангиз ҳам бор кучингиз билан қилинг, чунки сиз бораётган жой — Ўликлар диёрида ҳеч қандай иш, фаҳм-идрок, билим ёки донолик йўқдир» (Воиз 9:10).

Бунга яна нимани қўшимча қилиш мумкин? Сиздан қарор қилиш талаб этилганда, сиз Муқаддас Китоб қонунларига ҳилоф иш тутмасдан, қандай қилсам яхши бўларкин, деб ўзингизда ишончсизликни ҳис қилганингизда, масиҳий дўстларингиздан, жамоат аъзоларидан, катталардан шундай деб сўранг: «Сиз бундай вазиятда нима қилган бўлардингиз?» Худодан, мени нотўғри хатти-ҳаракат ва қарорлардан Ўзинг ҳимоя қил, деб сўрашни унутманг.

Мен қайси коллежга ўқишга киришимни Муқаддас Китоб айтиб бера оладими?

Муқаддас Китоб бизга доноликни астойдил излашимизни маслаҳат беради. Донолик ўз олдимизга ишончли мақсад қўйишга лаёқатли бўлишимизни ва уларга эришиш учун мос усулларни танлашимизни англатамиз. Юқорида айтганимдай, ҳеч қачон аъло нарса яхши нарсанинг душмани бўлишига имкон берманг. Шунинг учун шундай коллежни танлангки, токи сиз у ерда яхши умумий таълим олинг, чунки бундай вазиятда бошланишда сиз учун аъло шарт–шароит бўлади. Агар яхши спортчи бўлсангиз, яхши тренерлар бўлган коллежга киришингиз керак. Мен умумий гапларни гапирмаяпманми? Ҳа, шундай! Муқаддас Китоб доноликни излашни масиҳийча ҳаёт қоидалари бўйича қилишга, доимо мулоҳазали қарор қабул қилишга интилиш керак. Бундай қарорни асослашда доимо умумий сўзлар иштирок этади. Коллеж танлови — ҳаётий муҳим қарор излаш намуналаридан биттаси, лекин бошқалари ҳам бор. Бирор қиз билан учрашиб: «Мен унга уйланишни хоҳлайманми?» деб сиз савол берадиган вақт ҳам келади (ахир, ҳаммаларингиз ёшларсиз). Шу воқеа юз берганда, текшириб кўринг: у сиз учун мос шерикми? Чунки ҳамма чиройли қизлар ҳам яхши умр йўлдоши бўлавермайди. Яратилган ёш нарсалар тартибсиз ва ҳиссиз бўлади. Бемулоҳаза қизларга уйланманг, уларнинг келажаги йўқ. Сизларни яхши билган одамлардан: «Бир–биримизга мосмизми?» деб сўранг, жавоб олганингиздан кейин яхшилаб ўйланг. Ана шу доноликдир. Мен ҳазиллашмаяпман.

Шуни қўшимча қилиб, баланд овозда ошкора айтмоқчиманки, бу донолик ёш аёлларга ёрдам беради. Бачкана, ахлоқсиз, масъулиятсиз, ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатадиган, савдойи одамларга турмушга чиқманг. Улар сизларга мос эмас, орзуларингизни яхши томонга ўзгартиришга қарамай (аёллар бу ҳақда

орзу қилишни яхши кўрадилар), уларни ўзгартиришнинг уддасидан чиқмайсиз. Ўзингиз ҳурмат қилмайдиган одамга турмушга чиқиш аҳмоқликдир.

Энди суҳбатимиз мавзуига қайтамиз: биз Худонинг хоҳиш-иродаси бажо бўлиши ҳақида умумий қилиб гапирамиз. Агар сиз ўз ҳиссиётларингизга асосланиб, қарор қабул қилсангиз, ҳаммаси жойида бўлади. Мен сизга Худога мурожаат қилиб, шундай деб айтишингизни маслаҳат бераман: «Эй Худойим, мен кучим етганича қилдим, мен энг яхши қарор қабул қилишга ҳаракат этдим. Агар тўғри қарор қабул қилган бўлсам, уни тасдиқла, мени хотиржам қил. Аммо агар хато қилган бўлсам, Сендан сўрайман: менга тинчлик берма, бундай ножўя қадамлардан мени узоқ тут».

Мен масиҳий бўлганимдан буён эллик йилдан ошиқ вақт ўтди. Мана шу давр ичида ақлим етганича Мукаддас Китобни ўрганиб, тарғиб қилиб келяпман. Мен шунга ишонманки, доно одам учун Худога қандай хизмат қилиш ва Уни қандай шарафлашнинг аҳамияти йўқ. У ўзининг ҳар қандай муаммоларини ҳал қилиши учун Мукаддас Китобда жавоб бор.

Дунёвий кўнгил очишларга — мусиқа, кино, телевидениега масиҳий қандай муносабатда бўлиш керак?

Шундай эски мақол бор: «Ҳар ишнинг ўз мавруди бор». Бу ҳақиқатан шундай. Агар сизнинг ҳаётингизда хурсандчилик қилишга ўрин бўлмаса, сизни жуда зерикарли одам деб ҳисоблайдилар. Мен сизларга, кўнгил очар ўйинлардан узоқ юринглар, деб маслаҳат бермайман. Худо кўнгил очар ўйинларга қарши эмас. Аммо улар ахлоқ-одоб доирасида бўлиши керак, яъни шундай бўлиши керакки, улар Худога маъқул эканини билганингиз ҳолда, Унга очикчасига миннатдорчилик билдиринг. Кўнгил очар ўйинлар дам олишимиз учун, кучимизни тиклашимиз учун зарурлигини билишимиз лозим. Бошқача айт-

ганда, навбатдаги қийин ишларга тайёргарлик учун зарур. Дам олиш — асосий ҳаётий вазифаларни ҳал қилиш учун зарур сарф қилинган энергияни тиклаш учун керак. Аммо ҳаётингизда лаззатланиш асосий ўрин эгаллашига йўл қўйманг. Шу билан бирга, бошқа кўплаб муҳим ишлар бор.

Кўпчилик кўнгил очишлар ҳақиқатан, шодлик, лаззат олиб келади. Мусиқа одамни руҳан мустаҳкамлайди. Буюк ислоҳотчи Мартин Лютер мусиқани, Худонинг Исо Масихдан кейинги буюк инъоми, деб атаган эди. Лютер дам олиш лаҳзаларида най чалишни, қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Агар қалбингизда мусиқа жарангласа, сиз ҳам куй чалиб, хиргойи қила бошлайсиз. Бу яхши. Аммо мусиқа ҳамма нарсадан устун бўлиб кетишига йўл қўйманг. Мусиқа борлигингизни эгаллаб олгандан кейин, сиз унинг қулига айланасиз. Ўзингизни нимагадир боғлиқ бўлиб қолганингизни билганингиз зоҳоти, дарров ундан қутулинг. Биз фақат Исога ва Самовий Отамизга содиқ қуллар бўлишимиз керак.

Мен кўнгил очишга кўп вақтимни сарфламаётганимни қандай биламан?

Бу ўринда «Шанба тамойили»ни татбиқ қилиш мумкин: олти иш кунидан кейин бир дам олиш куни келади. Олтига бир нисбат пайдо бўлади, яъни дам олиш вақтингизнинг тахминан ўн беш фоизини олиш керак.

Одатдаги кунни тасаввур қилинг. Сиз кундалик иш билан машғул бўлиб, кун давомида бир–икки соат дам олишга вақт сарфлайсиз. Икки соатга қараганда, бир соат яхшироқ, шунда дам олиш куни кўпроқ ҳордик чиқаришингиз мумкин.

Танбал бўлманг, телевизор тагида ётиб олманг, кўнгил очишлар чегарадан чиқиб кетишига йўл қўйманг. Акс ҳолда улар ҳаётингизни забт этади. Сиз жисмоний меҳнатдан, спорт машғулотларидан, қизиқарли ишқибозликлардан кўнгил очишларга барҳам берасиз.

Бошқа кўнгил очишлар орасида энг фойдалиси ижодий қизиқишдир. Телевизор олдида бемақсад вақт йўқотишдан кўра, мусиқа асбоблари чалиб, кўпроқ шодлик топасиз. Спортга иштирок бўлгандан кўра, спорт мусобақаларида иштирок этиш қизиқарлироқ. Агар сеvimли командангиз ғолиб чиқса, сизни ишонтириб айтманки, ўша команда учун жон куйдириш ажойибдир.

Масиҳий, эротик саҳналар ёки зўравонлик лавҳалари борлиги учун эмас, балки мазмуни туфайли чекланган фильмни кўриш мумкинми?

Биринчи навбатда, ўзингиздан, шу фильмнинг мазмунига баҳо бериш учун кўрсам бўладими, деб сўранг. Агар «ҳа» бўлса, унда Худодан, менга шундай яхши фильмни кўришим учун танлаб бергинки, токи ўша фильмнинг ёмон таъсирини ўзимда синамай, деб сўранг. Кинога боришдан олдин ибодат қилинг, фильмдан кейин эса, кўрган фильмингиздан тасаввурларингизни Худога ибодат қилиб айтинг.

Шундай қилиб, сиз амалда масиҳийлар учун энг муҳим таъомийлини қўлланг. Худодан ҳеч нарсани сир сақламанг. Ҳамма ишларингиз учун Худодан марҳамат сўранг. Сиз Худога айтиб беришингиз мумкин бўлмаган, Унга миннатдорчилик билдиришингиз мумкин бўлмаган нарсаларни ҳаётингиздан ўчириб ташланг. Худо билан ўзингизга юборилган ҳаётий вазиятни муҳокама қилинг, Ундан кўпинча шундай деб сўранг: «Эй Худойим, менга нимани ўргатишни истайсан?» Масиҳийча ҳаётнинг кундалиқ амалиёти шудир.

Масиҳий бўлмаганлар билан Худони иззатлаш тўғрисида қандай мулоқот қилиш керак?

Биз, одамларни севиш ва уларга ёрдам бериш учун, уларни имонга олиб келиш учун яратилганмиз. Бундан шу нарса келиб

чиқадики, Масихга имон келтирмаган одамлар билан дўстлашиш — олийжаноб ишдир. Ҳар биримиз Худодан, менга фақат масиҳийлар билан эмас, Масихга келмаганлар билан ҳам дўстлашишни ато қил, деб сўрашимиз керак. Одамлар билан тезда муносабатлар ўрнатишга қодирлик, уларни ўзимизга жалб қилишлик ва улар олдида ўзимиз ҳам очилишимиз, менимча, чинакам руҳий инъомдир. Бу эса биз — имонлилар учун муҳим бўлиб, бошқаларга ҳикоя қилиб беришимиз учун осонлик ва табиийлик пайдо қилади. Бундай фаолият, шубҳасиз, Худога маъкулдир.

Муаммо бошқа нарсада бўлиши мумкин: номасиҳийлар билан мулоқотимиз туфайли бизнинг Худога маъкул бошқа ишларимиз зарар кўрмаслиги учун вақтни қандай тақсимлашимиз керак? Бунинг учун доимо вазиятга реал қарашимиз ва кучимиз етмаган ишга киришмаслигимиз керак. Янги ишни, айниқса, Инжилни ёйиш билан боғлиқ ишни бошлашдан олдин, илгариги мажбуриятларингизни унутманг: булар — ўқиш, иш, уй ва оила ишларидир. Ишларингизни кунларга ва ҳафталарга тақсимлаб режалаштиринг.

Ўзларини масиҳий деб ҳисобламайдиган одамларнинг ҳаётида фаол иштирок этиб, улар билан дўстлашишимиз учун қанчалик фаол бўлишимиз керак?

Бу савол ниҳоятда кенг, бунга жавоб бериш қийин. Ижозатингиз билан ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга мурожаатидан келтирай: «Мактубимда сизларга зинокорлар билан алоқа қилмасликни ёзган эдим. Шубҳасизки, умуман бу дунёнинг зинокорлари ёки тамагирлари, ғоратгарлари, бутпарастлари ҳақида демокчи эмасдим, акс ҳолда сизлар бу дунёдан айрилишга мажбур бўлар эдингизлар!» (1 Коринфликларга 5:9–10). Албатта сиз буни қилмайсиз.

Бу жумладаги калит сўз «дунё» Худосиз яшаётган одамлар жамоатига, кўпинча Худо билан курашаётган одамлар тўпига

мансуб. Шунинг учун мен сизнинг саволингизни қуйидагича тушунаман: биз Худосиз, ҳатто Худога қарши фаолиятда иштирок этишимиз мумкинми?

Жавоб қатъий равишда салбий — бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бошқача айтганда, Худога қарши нимадир қилмоқчи бўлишга тайёрланаётган одамлардан узоқроқ юринг. Одамлар ичиб олиб, жанжаллашиш асосий мақсад бўлган шанба оқшомларида масиҳийлар иштирок этмайдилар. Агар сиздан: «Нимага сиз биз билан бирга бормасиз?» деб сўрасалар, шундай деб жавоб беринг: «Мен бундай ҳаёт кечиришимни Худо истамайди. Шунинг учун агар қаршилиқ қилмасангиз, оқшомга бормасам».

Албатта, улар баъзан эътироз билдирадилар, агар уларнинг таклифини рад қиладиган бўлсангиз, улар сизни хурмат қилмай қўядилар. Муқаддас Китобда шундай вазият тасвирланган: агар кимнингдир тақвдор эмаслиги сизга олдиндан маълум бўлса ва уларни қўллаб-қувватлайдиган бўлсангиз, одамлар ҳайрон бўлиб қоладилар (масалан, қаранг: 1 Бутрус 4:1–4). Баъзиларга шундай туюладики, бошқа одамлар даврасида юз берган аҳмоқона хатти–ҳаракатлар ўзининг салбий маъносини қандайдир тарзда йўқотади. Оломоннинг типик психологияси — дунё бўйича ҳар қандай ёшдаги одамларга тегишлидир.

Биз шундай хатти–ҳаракат қилишимиз керакки, бу ишимиз Худога маъқул ва Уни шарафлайди, деб ишонч билан айта олайлик. Биз бундай ишларни Худо номи билан қилиб, ишларимиз учун Ундан марҳаматлашини сўрайлик.

Сиз ёш одам бўлиб, сизни эшитмоқчи бўлганларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Оддий: бизнинг ҳаётимизга мазмун берадиган ягона нарса — Раббий Исога содиқликдир. Биз ҳаммамиз асрлар давомида Ундан мадад излаб келамиз, шунинг учун сиз нима би-

лан шуғуланманг, Уни билинг, сеving, Унга ишонинг, итоат этинг.

Бу тўғрида айтаверамизу аммо доноликка йўл доим бошидан бошланиши керак. Исонинг йўлидан бориб, Уни шарафлаб, доимо айтганларимизни ёдингизда тутинг, Самовий Отани бутун борлигингиз билан шарафлашга интилинг. Ўғилни шарафлаб, Отани шарафлаган бўласиз. Бу сиз учун йўл кўрсатувчи юлдуз, ҳаётингиз мўлжали бўлсин. Мен ўн саккиз ёшимда бу сўзларни эшитган эдим, аслида олдинроқ эшитишни истаган бўлардим.

V. АЙРИМ ҚИЙИН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Инсонларни севувчи Худо уларни дўзах азобларига ҳукм қилиши мумкинми?

Муқаддас Китобни ўрганаётган ҳамма мулоҳазали масиҳийлар одам ўлгандан кейин унинг жони ҳақида жиддий савол берадилар. Муқаддас Китобда аниқ кўрсатилган: 1) дўзах ҳақиқатан ҳам абадий, вайрон қилувчи ҳолат сифатида жонимиз учун жазо сифатида мавжуд, бу жазони гуноҳларимиз учун Худо белгилаган; 2) дўзах Исо Масиҳни қабул қилмаган ва У таклиф қилган абадий ҳаётни рад қилганларнинг қисмати бўлиб қолаверади; 3) дўзах — одамларнинг шаккоклиги ва шафқатсизлиги учун Худо ҳукм қилган адолатли жазодир.

Дўзах алангасида ёнишга лойиқ гуноҳкорларни Исо қутқариш учун келган. Унга ишонган ҳар ким кечирилади, оқланади ва абадий ҳаётга сазовор бўлади ҳамда яқинлашиб келаётган ғазабдан қутқарилади. Аммо фарзийлар, Масиҳ туғилгунга қадар яшаган «олийжаноб мажусийлар», нажот топиш ҳақидаги хабарни ҳеч қачон эшитмаганлар ёки бу хабар билан тўлиқ танишмаган ёки бузиб танишганларнинг — барҳаёт имонга эга бўлмаганларнинг тақдири нима кечади? Масиҳийлик қонундан ташқари бўлган, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар эса имонлиларга қарши йўналтирилган мамлакатларнинг

аҳолиси тақдири—чи? Масиҳийларни маъқулламаган, уларга бор кучлари билан зарар келтиришга уринган, масиҳийлар ўзларининг эътиқодини эркин ифодалашларидан маҳрум қилмоқчи бўлганларни қандай тақдир кутяпти? Наҳотки ҳаммалари ҳалок бўлса?

Универсализм тарафдорларининг тахмин қилишларича, охир-оқибатда Худонинг марҳамати билан ҳамма нажот топар экан. Жуда маъқул нуқтаи назар! Бу назарияга риоя қилиб, мажусийларнинг, атеистларнинг, масиҳийликка эътиқод қилмаганларнинг, Хушхабарни эшитмаган миллионлаб одамларнинг, Хушхабар ҳақида ҳеч нарса билишга улгурмай ўлиб кетаётган болаларнинг тақдири учун хавотирланишга ўрин йўқ. Бегоналарнинг кулфатига шерик бўладиган ҳар бир масиҳий гўё бу назарияни бажонидил қабул қилиши керак, ахир, у бизни аламли кечинмалардан халос қилади.

Аммо Муқаддас Китобнинг бирон жойида ҳамма учун бир хилдаги нажот топиш имкониятини тасдиқлайдиган сўзни топмайсиз. Муқаддас Китобнинг айрим парчалари ўнганмайдиган жон ҳақида хабар беради. Универсализм назарияси бу назариянинг тарафдорлари айтаётган Янги Аҳд бўйича фикрлашдаги ўпирилишнинг фойдасига оид бу Янги Аҳд фикрларининг аҳамиятини камситадиган илоҳий уйдирмаларни ўзида гавдалантиради. Уларнинг нуқтаи назари бўйича, Худонинг жазоловчи ўнг қўли бизга йўл–йўриқ кўрсатадиган Унинг севгисидан намоён бўлади, Унинг севгисидан биз охири нажот топар эканмиз.

Бу назарияга ишонгимиз келади, лекин Муқаддас Китобда яқинлашиб келаётган ҳукм тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Бунга қарши далиллар эса мутлақо ишончли бўлиб кўринади. Муқаддас Китобдаги одамнинг абадийликда кеажакда ўз тақдирига муносабатида сўзсиз ва охириги танлови тўғрисидаги таълимотини универсализм назарияси рад қилади. Худо «ҳар кимни қилмишига яраша тақдирлайди. Яхши ишда кунт қилиб, улуғ қадриятни ва мангуликни излаганларга У абадий ҳаёт ато

этади. Аммо худбинлик қилиб, ҳақиқатга бўйсунмай, ҳақсизлик пайдан бўлганларга қахру ғазабини сочади. Аввало яҳудий, сўнг ўзга халқ кишиси бўлиб ёмонлик қилувчи ҳар бир банданинг жонини У қийноқ ва қайғуга солади.

Аввало яҳудий, сўнг ўзга халқ кишиси бўлиб яхшилик қилувчи ҳар бир бандага эса иззат, ҳурмат ва эсонлик насиб этади. Зероки, Худо юз-хотир қилиб ўтирмайди» (Римликларга 2:6–11). Павлус бу сўзлари билан ҳар бир одамнинг тақдирини белгилайдиган адолатнинг классик тушунчасига мос келадиган Худонинг адолатини тасдиқлайди. Муқаддас Китобда айнан шу тўғрида айтилган.

Исонинг ўзи ҳам универсализм назариясини рад қилди. У одамларга, ҳар қандай йўл билан дўзахдан қочинглар, деб таълим беради. Агар ҳақиқатан ҳам ҳар бир одам нажот топадиган бўлса, ундай ҳолда Масих ё беҳабар (яъни ҳамма нажот топишини у билмаган) ёки гирром (билган, лекин одамларни алдаб ёки кўрқитиб Худо Шохлигига олиб киришга уриниб, сир тутган) бўлиб чиқади.

Универсалистларнинг хатто имонсизларга ҳам ўлимидан кейин нажот берадиган буюк шафқат тўғрисидаги тасаввурлари янги масалаларни келтириб чиқаради. Агар Худо ҳаммани ҳеч қандай истисносиз имонга олиб келишга қодир бўлса, нима учун У Хушхабарни эшитганларнинг ҳаммасини улар ҳаётлик даврида буни қилмади? Агар Худо ҳаммани Муқаддас Китоб билан таништира олмас экан, улар ўлгандан кейин қилишига биз қандай ишонамиз?! Худонинг ақидаси универсализм назариясида мантикий изчилликдан маҳрум бўлади.

Шундай қилиб, универсализм тақдир ҳақидаги назария сифатида мақсадга мувофиқ эмас. Аслида охирги танловни одам ҳаётлик пайтида қилади. Албатта, бизнинг асосий вазифамиз шундан иборатки, тўғридан-тўғри дўзахга бораётган биродарларнинг гуноҳи билан булганганларнинг биринчи ва асосий эҳтиёжларини — уларни Хушхабар билан таништиришни қондиришдир. Павлус шундай деб ёзган эди: «Мен юнонлару

варварлар, олимлару жоҳиллар олдида қарздорман. Шундай қилиб, Римдаги сизларга ҳам қўлимдан келганича, Инжил Хуш-хабарини етказишга тайёрман... «Раббимиз исмини чақирадиган ҳар бир киши нажот топур». Аммо улар инонмасдан туриб, Уни қандай чақирадилар? У ҳақда эшитмаган ҳолда, Унга қандай инонадилар? Тарғиб қилувчи бўлмаса, қандай эшитадилар?» (Римликларга 1:14–15; 10:13–14; яна Йўл 2:32га қаранг).

**Ибронийларга мактубда (9:27)да шундай
деб айтилган: «Зотан бир марта ўлиш ва ундан
кейин ҳукм қилиниш инсонларнинг тақдиридир».
Жисмоний ўлимдан кейин имонга
келиш мумкинми?**

«Бир марта» сўзи Ибронийларга мактуб муаллифининг оғзида икки ёки кўп имкониятлардан «бир марта» маъносида эмас, балки бир марта ва абадий маъносида қўлланган. Бир марта юз берган ўлим аслида одатни ўзгартиради, уни такрорлашнинг имкони йўқ. Ибронийларга мактуб (9:26–28) да Исонинг хочдаги гуноҳни ювиш ўлимига нисбатан қўлланган бу сўз шундай маънога эга.

Жисмоний ўлимнинг такрорланиш имконияти йўқлиги шуни яққол кўрсатадики, биз бу оламда экканимизни ўришимизга тўғри келади. Исо бунимизга шафқатсиз бой ва камбағал Лазар ҳақидаги масалда (қаранг: Лука 16:19–31), шунингдек, гуноҳ ичида дахшатли ўлим тўғрисидаги ваъда (қаранг: Юҳанно 8:21–23) орқали таълим беради. Павлус ҳам, ҳар ким Қиёмат куни ўз ишига яраша олади, деб тасдиқлайди. Ўлим ва ҳукм Янги Аҳдда фақат шу тарзда қаралади.

Замонавий илоҳиётчилар орасида бу масала бўйича яқдил фикр йўқ. Баъзиларнинг тахмин қилишларича, одам ҳаётлигида Масихни қабул қилмай, ўлимдан кейин қабул қилиб, нажот топиши мумкин. Бошқалар эса бу нуқтаи назар билан ўз тушунчаларини Худонинг марҳамат билан боғлайдилар. Уларнинг айти-

шича, Худо уларга тушунарли тилда Хушхабар тўғрисида тўлик тасаввур бериши керак, чунки Хушхабар биз ҳаётда эшитганимизга нисбатан кенгроқдир. Учинчидан, юқорида эсланган универсализм назарияси тарафдорлари сингари, ҳамма эртами, кечми — осмонда Худо олдида бўладилар, деб ҳисоблайдилар, шунинг учун Худо у ёки бу тарзда Ўз севгиси билан бизни Масихга келишга ундайди. Нелс Ферре дўзахни «мактаб ва эшик» мавжуд бўлган жой деб тасвирлаган эди. Дўзахга келган жонлар Масихга имон келтирадилар, улар жаҳаннамни тарк этадилар ва дўзах бўм-бўш бўлиб қолади. Аммо бундай нуқтаи назар Муқаддас Китоб таълимотига мос келмайди, Масихга юз беришнинг ноадекват тушунчасини акс эттиради.

Биз бу ўринда, одам ўлимдан кейин нимани ҳис қилиши, бу туйғулар тирикликдаги туйғулардан қанчалик фарқ қилиши тўғрисида айтмаймиз. Муқаддас Китобда ўлим доирасидаги рухга ишонишга даъват этадиган шафқат тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Шундай қилиб, қуйидагича хулоса чиқарамиз: имонга келмаган одам ҳаётлигида Масихни ва Самовий Отани қабул қилишга хоҳиши йўқлиги ўлимдан кейин ҳам шундайлигича қолади. Нариги ҳаётга нажот хушхабарини кўчириб, бу хушхабарни Худо узайтиришидан, бир лаҳзага бўлса ҳам, маъни йўқ. Бундан ҳеч нарса ўзгармайди.

Агар Исо Худонинг тажассуми бўлса, Унинг ўлимини қандай изоҳлаш мумкин? Нахотки абадий Худо ўлиши мумкин бўлса?

Бу саволнинг остида ҳозирги ўлик танада (аниқроғи, тана тирик бўлгани сабабли яшаган одам) яшаган илгариги одамнинг ҳаёти тугаши жисмоний ўлим ҳисобланадими, деган чинакам тасаввур ётади. Илмий, фалсафий, марксистик, дунёвий, диний бўлмаган, динга қарши материализмни европаликлар ва америкаликлар ҳаёт сўнгидаги жисмоний ўлим деб атайдилар. Қолган ҳамма одамлар — қадимги мисрликлар, юнон ва

варяглардан тортиб ҳар қандай динга ёки қабилалар культига эътиқод қилувчи замондошларимизгача аксинча ишонадилар. Тарихий, яъни Муқаддас Китобга асосланган масиҳийлик ҳам бу дунёқарашнинг бир қисмини ўзида гавдалантиради. Қабрдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ҳаммада ҳар хил, аммо унинг мавжудлигига мутлақ ишонч дунё маданиятининг кенг доирасига мансуб бўлиб, ҳозирги ғарб скептизми бир оз ғалати қарайди.

Шунинг учун биринчи навбатда ҳар биримизнинг ўлими-миз муқаррарлиги тўғрисида гапиришимиз керак. Биз ўзимиз билан бирга, хотирамизни, маълумотимизни, ижодий қобилятимизни, дўстона алоқаларимизни, яшашдан хурсандчилигимизни — ҳуллас, бизни шу туришимизча кўрсатадиган ҳамма нарсамизни олиб кетамиз. Ўлим бизни жисмоний ҳаётнинг ҳамма чегараларидан — етишмовчиликлардан, руҳий зарбалардан, тана ва идрокнинг қаришидан, азоб-уқубатлардан, очликдан, Алцгейлар хасталигидан, Даун синдромларидан, СПИДдан халос қилади. Исо хочдаги қароқчига айтган сўзлар иккаласи учун ҳам тегишлидир: «Сенга чинини айтай: бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан» (Лука 23:43). Бу сиз билан бизга ҳам тегишлидир.

Шунга ишончингиз комил бўлсинки, қўрқув, оғриқ ва бизга маълум бўлган бошқа ҳамма ўлимнинг ҳамроҳлари гуноҳларимиз учун жазодир. Имонга келмаганлар учун, яъни «жиноятлари бўйича ўликлар» (Эфесликлар 2:5), жисмоний ўлим — ўлим ҳолатига янада чуқурроқ киришни англатади (айнан Муқаддас Китобда ҳаёт деб айтилган Худода бўлишнинг барҳам топишидир). Биз шуни унутмаслигимиз керакки, Исо биз учун ўлимни қабул қилиб, ўлимни «татиб кўрди» (Ибронийларга 2:9), бунинг устига, бизни ўлимдан халос қилди. У хочда «Худойим, Худойим! Нега Мени тарк этдинг?» (Матто 27:46) деб фарёд қилиб, қатл қилинаётганларга айтмоқчи эди, улар оркали эса бутун оламга, зулмат пайтида «Мен» башоратни бажо қилиб (21-санонинг дастлабки мисраларига қаранг), «чуқур» ўлимни (агар шундай деб айтиш мумкин бўлса) синаб кўрди.

Худо Исони тарк этгани туйғуси Исо учун дўзахнинг ўзи эди. У ўша дўзахга хочга михланиш орқали кирди. Дункан раввий бир куни кўзларида ёш билан шогирдларига шундай деган эди: «Бу лаънат эди, аммо У лаънатни муҳаббат билан қабул қилди».

Бу ҳодисанинг юз бериши Худонинг инсон танасида онгга эга бўлган абадий Ўғлининг тажассуми сабабли мумкин бўлган эди. «...Калом (яъни Исо) тана бўлди...» (Юҳанно 1:14). Бир томондан, У узлуксиз равишда Худо бўлди, иккинчи томондан, ҳамма одамлар сингари, танани Ўзига олди. Тана замон ва макондаги ўзгаришларга эга бўлиб, кундалик ҳаётдаги сифатлар — шон-шухрат, чеклашлар, ранжиш бу танага ҳам тегишли эди. Маълумки, Шекспир ўзи ёзган ва сахналаштирган пьесаларда ўзи роллар ижро этган эди. Бу намуна ижодий ҳамкор Исонинг илк ўхшаши деб айтиш мумкин. Исо ҳам Ўзи яратган бу оламда оддий одам сингари ҳаёт кечирди.

Бу ўринда биз тушунишимиз қийин бўлган сирлилик бошланади. Масалан, инсоний ва илоҳий ибтидо ўзаро мос келадими? Ўғил инсоний чеклов чегараларини бузмаслик учун Ўзининг илоҳий қудратини қандай қилиб ушлаб турди? Исо илоҳий шахсиятлигича қолгани ҳолда, инсонларга хос ҳаёт кечириб, инсонларга хос ўлимни қабул қилди.

Шуни унутмаслик керакки, Исо учун ўлим ҳаётнинг мутлак тугаганини билдирмаган. У ўликдан тирилиб, шу қудратни намоён қилди. Оламни яратиб, Худонинг тажассумини мумкин қилди, натижада Ўзи шарафланиб, Отанинг ўнг томонидаги тахтда ҳукмронлик қиляпти. У ҳозиргача Инсон Худо сифатида Ота билан ажаралмас ва абадий алоқада бўлиб келмоқда (қаранг: Римликларга 6:9–10). Бу сингари тирилиш ва шараф топиш ҳамма имонлиларни кутмоқда. Исонинг ўлими шуни ваъда қиладики, биз ҳам бу оламни тарк этадиган пайт келганда, Унинг севгиси, мадади, ҳамдардлиги ва биз билан бир қаторда иштироки, Уильям Уильямснинг сўзлари билан айтганда, «бизга Канъон ерида тасалли беради». Раббийнинг буюк меҳрибонлиги шундай.

Илоҳиёт байрамона ишқибозлик учун эмас, балки Худони чин дилдан шарафлаш ва Унга хизмат қилиш учун мавжуддир. Исонинг ўлими — бунинг энг ишончли тасдиғидир. Сизнинг саволингизга жавобим Уильямснинг замондоши Чарльз Уэслининг куйидаги ажойиб сўзлари билан тугатишни истар эдим:

Абадий ўлмас ўлди! Бу сирни
Ким ўлим деб тушунтириб бера олади?!

Учинчи минг йилликда масиҳийлар қандай муаммоларга дуч келадилар?

Биз Худога олиб келувчи барча динларни тенглиги ҳақидаги фикрни гўёки қайта ва қайта инкор этишимизга тўғри келади. Шубҳасиз, Худога нафақат масиҳийлар ишонадилар, балки бошқа дин вакиллариининг баъзи олижаноб ва инсонпарвар идеаллари ва таълимотлари ҳам чуқур ҳурматга сазовордирлар. Бироқ уларнинг ҳаммасига шодлик, умид, қатъиятлик ва *agape* — Исо Масиҳни англаганда юзага келадиган севги-садоқат етишмайди. Исо дунёнинг кўплаб буюк руҳий устозларидан бири эканлигига бўлган уларнинг ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Постмодернизм деб аталувчи ботқоқликдан чиқиб олишимиз учун бизга тахминан икки ўн йиллик керак бўлди. Постмодернизм — бу яқиндагина вужудга келган фалсафа бўлиб, унда биринчи ўринга релятивизм олга сурилади, абсолют ҳақиқат эса асло тилга олинмайди ҳам. Биз жамоат йиғилишларида бу тўғрида тинмай гапирмоғимиз лозим, чунки Раббимиз ҳақиқатни сўзлайди. Қолаверса, масиҳий этикод шундайки, Фрэнсис Шеффер уни «ҳақиқат» деб атади, яъни барча маданиятга шахдам қадам билан кириб борувчи ўзгармас ҳақиқат ва бутун тарихни шиддат билан қамраб олувчи жонли ҳақиқат.

Биз шунингдек, қалбнинг улуғвор ҳис-туйғусини, инсон ҳаётини ҳақиқий англашни тиклашимиз зарур. Худо бизни ҳаммамизни бирга олгандан кўра буюкроқ эканлигини, бахт — са-

моларнинг ваъдаси, муқаддаслик эса — бу дунёда энг буюк неъмат эканлигини ва бу заминда ҳамма нарса номукаммал ва тўлиқ эмаслигини яна қайтадан тушунишимиз керак. Санаб ўтилган хислатлар бугунги кунда кўпчилигимизда етишмаслиги ва бундай нуқтаи назар кундалик ҳаётнинг муҳимлиги тушунчасини англашни масиҳийларда тарбиялайди. Материализм ва бу дунёнинг қадриятларига бўлган инсоннинг тобеълиги ғарб имонлиларининг қон-қонига сингиб кетган. Ва янги минг йилликда бундай қарашлардан халос бўлиш учун биз жуда кўп меҳнат қилишимиз керак.

Менга берган қизиқарли саволларингиз учун сиздан миннатдорман.

Пакер хақида

Уэнди Мюррей Зоба

Ўғлим еттинчи синфда ўқиб юрганида у кураш билан шуғулланар эди. Кўпинча Джон оғирлиги ўзидан юқори бўлган рақиб билан курашишига тўғри келарди. Шунга қарамасдан, Джон мағлубиятдан кўра кўпроқ ғалабага эришарди. Лекин бир жанг менинг хотирамда абадий сақланиб қолди, чунки рақиблар даврага чиқишганда юрагим эзилиб кетди. Бу фил билан чумолининг жангига ўхшаб кетарди. Жанг бошланишига бонг урилиши биланок ўғлимнинг рақибни уни кўтариб ерга ағдариб ташлади, сўнгра тагига босиб олди. Ҳаёлимда вақт тўхтаб қолгандай эди. Аммо бирдан ақл бовар қилмайдиган ҳодиса юз берди: қандайдир тарзда ўғлим бор кучини йиғди, бир ағдарилиб тик туриб олди.

Жангнинг иккинчи раунди биринчисидан шуниси билан фарқ қилар эдики, Джоннинг қовоқлари шишиб кетган, юзларида эса жанг майдонидаги гиламнинг излари қизариб турарди. Ўғлим пишиллаган рақибининг бесўнақай гавдаси остида илондек тўлғанар эди, рақиб озгина безътибор бўлиши биланок Джон унинг тагидан сирпаниб чиқиб, тездагина тик туриб оларди.

Учинчи раунднинг бошида рақиблар оғир нафас олиб бири-бирини ушлаганича қаддиларини ростлаб туришганда, ишқибозларнинг кўзлари хайратдан косасидан чиқиб кетгудек бўлди. Бир лаҳзада Джон рақиб томонидан ерга михлангандай чўзилиб ётарди. Ростини айтаман, агар Джон ўшанда таслим бўлганда мен уни асло қойимасдим, қайтанга тўғри йўл тутди деб ҳисоблардим. Бирдан у қайта тирилгандай забт этилишга чап бериб қолди, мохирона бир усулни ишлатиб рақибини гиламга кўтариб ташлади. Томошабинлар Джоннинг ғалабасини эндигина олқишлаётган эдилар, шу вақт жанг тугаганлигини билдирувчи бонг урилди. Ҳакам Джоннинг рақиб кўлини кўтарди ва ғалабани унга берди. Лекин ўша жангни кузатган ҳар бир одам майдонда нима юз берганини яхши тушунарди. Бу фақатгина бир жангчининг ғалабаси, иккинчисининг мағлубияти эмас, балки ундан ҳам юксакроқ ҳодиса юз берганди.

Мен Джеймс Иннел Паркернинг ҳозирги замон Инжил ҳаракатининг шаклланишидаги тутган ўрни ҳақида ўйлаганимда, ҳар гал ўша жангни эслайман. Ушбу воқеа бу инсон ҳақиқатдан ҳам юқори даражада туришини, неча бор уни ер билан яксон қилишга интилишганда ҳам, у яна қайта-қайта тик туриб эзгулик йўлидан олға боришини тушунишимга менга ёрдам беради.

Жамоат ҳаёти йўналишини белгилашда Пакер Буюк Британиядаги сингари Шимолий Америкада ҳам тенги йўқ мутахассис ҳисобланади. Пакер нима билан шуғулланмасин: у ҳозирги замон оламига пуритан ҳаракатининг аҳамиятини кўрсатди, Англикан жамоатини ташкил этиш қарорини қабул қилди, Буюк Британияда икки улуғ масиҳий арбобни тарбиялади, Бристолда Гиндл Холлни ислоҳ қилишни бошқарди, Инжил таълимотини жонлантирди, Риджент колледжида дарс бериш учун Ванкувер (Британия Колумбиясининг вилояти, Канада)га кўчиб ўтди — барчаси ҳозирги замон масиҳий жамоатида порлоқ из қолдирди. У авлод-аждодларимизнинг руҳий мероси — пуританларга нисбатан бизда қизиқиш уйғотди ва Худони умуман

эсламайдиган дунёда Худо ҳамманинг диққат марказида бўлишга интилишимизни васият қилди.

Кунларнинг бирида мен доктор Пакерни кечки овқатга тақлиф қилганлигимни ўғилларимга айтганимда, улардан бири шундай савол берди: «Ҳа, бу ўша боши пачоқланган одамми?» Пакер фарзандларим учун «Худони билиш» китобининг муаллифи эмасдир, қолаверса, бошқалар бутун умри давомида ўқиган китобидан ўн карра, хаттоки ундан ҳам кўпроқ китоб ёзган ёзувчи ҳам эмасдир. Бир куни тушлик пайтида Пакернинг ўзи бошидаги пачоқ жойини ўғилларимга кўрсатган ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берган. Унинг ҳикоясини тинглаб ўтирган фарзандларим қимир этмасдилар. Етти ёшлик пайтида мактаб ҳовлисида кимдир Пакернинг кетидан қувибди, кўрқиб кетган болакай катта йўлга югуриб чиқиб қолган экан. Унинг гапига қараганда, қандайдир «нон ташувчи машинага кичкина Пакер бор кучи билан урилиб кетган». «Ўшанда, — дейди у, — бошимнинг бир четидан ажралиб қолганман». Пакер ҳақида ўғилларим фақат шуни эслаб қолган эканлар, холос.

Джеймс Пакер — буюк инсон. Шу билан бир қаторда, унинг дўстларининг гапига кўра художўй масиҳий, тақводор пуритан, пастор ва устоз, вафодор эр ва севиқли ота, қолган одамлар учун эса ҳақиқий дўст.

Ҳақиқат йўлида

Бошидан Джим Пакернинг ҳаёти ажойиботларга тўла бўлган. Фақатгина етуклик пайтида интеллектуал давраларда у ҳақиқий инсонга айланди.

Джим бир оддий, камтар ишчи оилада тарбияланди. Оиланинг шахсий уйи бўлмаганлиги сабабли улар ижарада туришга мажбур эдилар. Джимнинг отаси темир йўлда хизмат қиларди, иш ҳақи жуда кам бўлишига қарамай, маошини мунтазам равишда ўз вақтида олиб турарди. Гап шунда эдики, Пакернинг сўзларига қараганда отаси «ўз зиммасига катта масъулиятни олишни истамас эди», шунинг учун ҳам унинг энг юқори лаво-

зими «темир йўлда юкларни йўқолганлиги тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш билан» кифояланиб қолганди. Улуғ Ватан уруши даврида отанинг ишига бўлган масъулияти ниҳоятда ошди, бироқ Пакернинг отаси эллик икки ёшида оғир руҳий хасталикка дучор бўлди. Баъзида тушкунликнинг таъсирида дунёдан унинг кўнгли совиб кетарди, бундай пайтларда оила аъзолари нима қилишни билмай довдираб қолишарди. Аммо бир неча кун ўтгач у яна «олдингидай кувнок» бўлиб қоларди.

Глостерширалик зукко болакай ҳаёти давомида жуда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Уни тасодифан юк машинаси уриб кетгандан кейин мўъжиза юз бериб, аранг тирик қолди. «Ўша вақтдан бошлаб то университетга киргунимга қадар, — деб эслайди Пакер, — бошимга алюмин пластинка ўрнатилганича юрибман. Шу пластинка дастидан мен бошқаларнинг орасида “оқ қарға”, яъни “ғайриоддий мавжудот” бўлиб кўринаман».

Джим «оқ қарға» бўлиб юришни асло хоҳламасди. У крикет юлдузи бўлишни орзу қиларди, лекин бошининг пачоқлиги ва бошидаги металл пластинка унинг шуҳратпараст режаларини барбод қилди. Уларнинг ўрнини оддий кутишлар эгаллади. Джим барча ўн бир ёшли болаларга хос бўлган совға — ўзининг ўн биринчи туғилган кунига янги велосипед совға қилишларини кутди.

Ота-она эса велосипед ўрнига унга ёзув машинкасини совға қилдилар.

Кутилмаган совға — ана шу ёзув машинка унинг келажакдаги йўлини ва маълум даражада унинг характериini белгилаб берди. Джим ўз ҳолатини обдон ўйлади: бошидаги жароҳатга, металл пластинкага, қолаверса, унга ёлғизлик, барбод бўлган орзу-умидларни, шунингдек, ғам-ғуссани инъом этган тақдирга асло кўника олмасди. Буларнинг натижаси руҳан тушкунлик ва дилсиёхлик бўлди. Пакер шундай дейди: «Ўша пайтда менинг юзимдаги ифодани кўз олдингизга келтиринг-а! Ҳеч кимда бундай юз ифода бўлмаган». Мактабдаги ўқувчилар учун у мазах нишонига айланди. «Тенгқурларим бошқаларга қараганда

кўпроқ менга тегажоқлик қилишарди», — деб эслайди ўша кунларни Пакер. У кўпинча синфдошларига, айниқса ўша уришқоқ безори болаларга уй вазифаларини кўчиришга берар эди. «Синфдошларим бирор масалани ёки мисолни бажара олмасалар, дарровдангина ҳаммага мен керак бўлиб қолардим». Джим ўзини доимо радди маърака, яъни эътибордан четда қолган одам деб ҳисобларди: «Менинг болалик ва ўсмирлик йилларим танҳоликда ўтди».

Туғилган кунига велосипед ўрнига совғага ёзув машинкасини олган Пакернинг олдиниға кайфияти тушиб кетди. Бироқ тушқун кайфият тез орада унга «хурсандчилик келтирди», деб ёзади Алистер Манграт Пакернинг таржимаи ҳолида. Джим ўзида янги бир қиррани — қизиқарли ёзувчилик оламини кашф этди. Ёзувчилик туфайли унинг фикрлаш доираси кенгайди ва Худонинг инъоми деб аталувчи унинг аналитик қобилиятлари ривожланди: «Айтилган сўзларнинг мантиқини изловчи ақл ва зеҳни Худо менга ҳадя қилди».

Бироқ бу ажойиб ҳислатнинг бошқа томони ҳам бор: «Виждонан ва мантиқан фикрлаб, сиз қаттиқ асабийлашасиз ва ниҳоятда ҳаяжонланасиз».

Шундай ҳис-ҳаяжонни Пакер унитариян жамоати нозирининг ўғли билан тез-тез бўлиб ўтадиган шахмат ўйинларининг бирида бошидан кечирди. Шахмат ўйини танаффуси пайтида рақиби Пакерга ўз жамоатининг таълимотини тушунтиришга ҳаракат қилди. Минг афсус, таълимот ўн беш ёшли ўсмирнинг мантикий тасаввурига ҳеч мос келмасди.

«Унитариянлик Исо Масих таълимотини дунёда музқаймоқдан кейин турадиган ажойиб нарса эканлигини тан олади, аммо Унинг илоҳий табиатини бу бидъат деб ҳисоблаб, уни рад этади, — дейди Пакер. — Ўша пайтда мен ҳали Муқаддас Китобни билмасдим, лекин нима сабабдан унитариянликлар Янги Аҳдга ниҳоятда ишонишларини, аммо ундан ортиқроғига ишона олмасликларини сўрашга менинг ақлим етган. Модомики унитариянликлар Янги Аҳд аниқ қилиб кўрсатиб берган Исо-

нинг илоҳийлигини тан олмас эканлар, нега унда Унинг таълимотига ишонадилар? Бирини иккинчиси билан қандай боғлаш мумкин?»

«Мантиқ билан эмас, — деган хулосага келади Пакер, — балки ироданинг кучи билан».

Буни англаш кутилмаган натижаларга олиб келди — Джим масиҳийлик билан жиддий шуғуллана бошлади. Ота-онаси ибодатхонага боришни унга ёшликдан ўргатишди. Лекин унга таниш бўлган Англикан жамоатининг тарафдорлари «нимага эътиқод қилаётганликларини билмасдилар, билишга интилмасдилар ҳам». Шунинг учун ҳам то унинг фикрларини унитар тарафдорлари қисти-бастига олмагунларича, масиҳийлик эътиқодидаги «ҳақиқат масалалари» тўғрисида у ҳеч ўйламаган эди. Ўша вақтдан бошлаб юз берган ҳамма нарса — бу алоҳида тарих. «Менинг ҳаёлимни фақатгина бир савол банд этган эди: “Ҳақиқий масиҳийлик нимани англатади?”».

У шиддат билан Муқаддас Ёзувни ўрганишга, масиҳий ёзувчиларнинг, шу жумладан, Клайв Льюиснинг асарларини ўқишга киришди ва аста — секин масиҳий таълимотининг манбаларига мурожаат қила бошлади. У ўзини «масиҳий» сўзининг асл маъносида тан олди. Худди ўша вақтда университетдаги имон келтирган дўстларидан бири Пакерни нажот топишга олиб келиш зарурлигини ҳис этди ва у «InterVarsity» наشريёти ходимларига мурожаат қилишини унга маслаҳат берди. Ўша дўсти Пакер кейинги сафар машғулотларга келганда Оксфорддаги наشريёт ходимларини излаб топишини унга тайинлади. Пакерга хос «реалликка, виртуал эмас, ҳақиқий реалликка бўлган зийраклик» дўстининг унга берган маслаҳатига бўйсунушга мажбурлади. Шунинг учун 1944 йили Оксфорд «Corpus Christi» колледжига ўқишга кирган Джеймс «InterVarsity» наشريётининг ходимларини излашга киришди. Унда «ҳақиқий масиҳийлар» билан учрашиш истаги бор эди.

Бунинг натижасида унинг ҳаётида навбатдаги асабий ҳаяжонланиш юз берди.

Пакер биринчи бор Оксфорд Масихийлик иттифоқининг олий ўқув юртлари таркибига кирувчи Инжил масихийларининг ибодатида қатнашиб ваъз эшитганда, унинг тасаввурида қалбни чуқур ларзага келтирувчи бир саҳна тасвири пайдо бўлди. У гўёки кўчада турганича деразадан ичкарида бўлаётган шўх ва шодон байрамни кузатар эмиш. Бу руҳий маънода қуйидагиларни англатишини Пакер тушунди: «Улар ичкарида эдилар, мен эса — ташқарида». Ичкарига фақат «тирик Худо, Раббий Исо Масих билан» алоқа ўрнатибгина кириш мумкинлигини у билди, аммо «Пакернинг ҳеч қачон Исо Масих билан бундай муносабатлари бўлмаган».

«Оддий, ўртача, лекин тақводор Инжил ваъзи» у учун Раббий Исо Масихни ўз Нажоткори қилиб танлаш билан якунланди. Пакер шундай эслайди: «Биз: “Худди мен каби” деб, қўшиқ айтар эдик. Худога мурожаат қилиш учун “Худди мен каби” деган қўшиқни қуйлашдан оддий йўл йўқ эди, бироқ шундай бўлди ҳам. Ибодатхонадан чиқар эканман, мен масихий бўлганлигимни билардим». Олдин Пакер ҳар шанба кунлари Оксфорд джаз оркестри билан биргаликда «кларнетда ҳиссиётларга берилган ажнабий мусикаларни» чаларди. Эндиликда бундай қизиқишлардан воз кечиб, Джим Муқаддас Китобни ўрганиш курсларига борди.

Орадан бир ярим ой ўтгач, Пакер Ваҳий Китоби бўйича Базил Аткинс ўтказган машғулотларга борди. Устозни Муқаддас Китобга иззат ва ҳурмат билан қилган муносабати уни ниҳоятда таъсирлантирди. Бу муносабат Ёзувга нисбатан қилинган олдинги либерал муносабатдан, Англикан жамоатида ёшлик пайтида ўрганиб қолган муносабатдан кескин фарқ қилар эди. Унинг сўзига кўра, бу икки қарама-қарши нуқтаи назарларнинг тўқнашуви унда ички низони келтириб чиқарди ва унинг ишончсизлик қарашлари йўқ бўлди.

«Шу вақтга қадар ўша йиғилишдан сўнг менда пайдо бўлган ажабланиш ва шодлик ҳис-туйғулари хануз ёдимда, чунки мен ўша дақиқаларда бир нарсани тушундим ва билдим: Муқаддас Китоб — бу Худонинг Каломидир».

Лекин тез орада имонга янги кирган Джим яна бошқа қийинчиликларга дуч келди.

Пуританлар билан танишув

«Мен жуда ғалати бўлганман, — дейди Пакер, — одамлар билан ҳеч тил топиша олмасдим. Мен тортинчоқ, уятчан, омади чопмаган бола бўлганман, лекин ҳеч қачон мендан спортчи чиқмаган, бунинг тасдиғи — бошимдаги жароҳатим». Магкрат шундай ёзади: «Кўплаб ўспирин ёшлар сингари Пакер ҳаётдан қоникмаган, ихлоси қайтган, ёлғизликни, бетайинликни ҳис этган. Ҳаммасидан ҳам шуниси ачинарли эдики, уни ўраб турган атрофдаги одамларнинг интеллектуал даражаси Пакерникидан анча паст бўлган, шунинг учун ҳам у шундай одамлар билан гаплашар экан, имкон қадар ўз ғурурини жиловлашига тўғри келар эди.

Ушбу муаммолар бора-бора тўпланиб, бу ёруғ кенг оламда Пакер яккаланиб қолди. «Натижада менинг тўғри фикрлаш хусусиятим ўн саккиз ёшимда мени тамомила мавжудотга айлантирди-қўйди. Эмоционал нуқтаи назардан мен исканжада қолдим».

«Халос бўлинг ва Раббийни қабул қилинг!» — ўша йилларда бундай даъватни Инжил масиҳийлари бетиним айтар эдилар. Бироқ бундай даъват масиҳийликни янги қабул қилганларни саросимага солиб қўйди. Бу сўзлар Буюк Британиядаги ўша даврда кенг тарқалган муқаддаслик ҳақидаги Кесуика таълимотининг акс садоси эди. Макгратнинг сўзларига кўра, тақдим этилган Кесуика мактаби «талқинга янгича ёндашувни акс эттирган ҳолда», «руҳан чуқур бойишни», шунингдек, «гуноҳдан тўлиқ қутулишни» ва «олдинлари Исо Масиҳ билан узоқлашган муносабатларни яқинлаштиришни» ваъда берган. Агар имонли бу туйғуларни бошидан кечирмас экан, уни «Исога ўзини тўлиқ бағишламаган» деб айтадилар.

Пакерни қарама-қаршиликлар қийнарди. Бир тарафдан, у бутун ҳаётини тирик Худога бағишлаганлигини у билар эди. Ам-

мо бошқа тарафдан — муқаддаслик таълимоти ваъда қилинганидек Пакерни гуноҳдан қутқарганлигини ва ҳаётда тўлиқ ғалаба қозонганини у ҳис қилмасди.

Ана ўшанда «бахтли тасодиф туфайли» Джим пуританлар билан танишди. Пакер нашриётда китобсевар даражасига эришди, имонга кирганидан кейин у кутубхонада ишлашга таклиф қилинди. «Қизиқувчанлиги туфайли» («мен жуда синчков бўлганман») Пакер бирин-кетин кўплаб китобларни ўқий бошлади. Кунларнинг бирида у кутубхонадан нашриётга тегишли бўлган Джон Оуэннинг «Имонлиларда гуноҳкорликни бостириш» (китобнинг бетлари ҳали ажратилмаган эди) номли китобини топиб олди ва бош кўтармай ўқишга киришди.. «Эътиқод туфайли сенинг қалбинг Исо Масихда очилган керакли манба ҳақидаги фикрлар билан тўлади; шу мақсад туфайли барча истак ва хоҳишларни қондириш ниятида қилган гуноҳларинг кечирилиб, таскин топишинг мумкин. Бу тўғрида ўйлаб кўр, зеро руҳий ҳавотирликдан ўзинг кутула олмайсан. Агар сен курашдан чарчаб, ўзингни таслим бўлишга тайёр деб ҳисобласанг, ўз тақдирингни енгиллаштириш учун Исо Масихга мурожаат қилсанг кифоя».

Пакер учун Оуэн гуноҳ билан курашувчи, имонлиларнинг эътиқодини мустаҳкамловчи йўлбошчи бўлиб қолди. Джим диққат билан бошқа пуританларнинг китобларини ўқиб чиқди. Китоблар унда яна ҳаётга қизиқиш уйғотди, инсоннинг иродаси сустлиги туфайли келиб чиқадиган қусурларга унинг кўзи очилиши учун ёрдам қиладилар. «Масалан, мен Бенъян қаламига мансуб “Пилигрим саргузаштлари”нинг иккинчи қисмини ўқиганимда, Олийжаноб Қалб менда катта таассурот қолдирди. Олийжаноб Қалб идеал пуритан қавмбошиси бўлиб, Масихийни оиласи билан Самовий шаҳарга кузатиб боради. Йўл-йўлакай Олийжаноб Қалб ўз томонига руҳан заиф одамларни жалб қилди: Қатъиятсизни, Ақли Калтани, Эзилганни ва унинг қизи бўлмиш Қўрқоқхонни. Ўз шахсий тажрибамдан Қалбнинг бундай ҳолатини жуда яхши биламан, шунинг учун

ҳам ўз хизматимда ақли заиф, туйғун ва ўзимнинг ёшлигимни эсимга солиб турувчи назардан қолган одамларга доимо эътиборни қаратишга интиламан».

«Пуританлар мен учун қийин ва мураккаб бўлган саволларга жавоб бердилар», — дейди Пакер. Қолаверса, улар Джимга масиҳийча ҳақиқатнинг тўлалигини тушунтирдилар, Худо Каломининг усуллари таянган ҳолда унинг салбий томонларига қарши оқилона курашишни пуританлар ўргатдилар. Пакер шундай дейди: «Пуританлардан олдин менга етишмаган ҳақиқатнинг муҳимлигини, яъни илоҳиётни ҳис этишни мен ўрганиб олдим».

Ҳақиқатга йўл очиб

Буюк Британияда камчиликни ташкил этган ва ҳали мустаҳкам илоҳиётга эга бўлмаган Инжил масиҳийларига ва ўзининг мужмал илоҳиёти билан ажралиб турган Англикан жамоатига пуританлар ўз таълимотларини етказиш учун Пакерни илҳомлантирдилар. Макгратнинг айтишича, пуританларча «Худого диққат қаратишга урғу, итоаткорлик, мўминлик ва идрокнинг устунлиги» баъзи масиҳийларни (кўпинча ҳамма томондан рад қилинганларни) Кесуик таълимоти таъсири остида уларда пайдо бўлган «илоҳий аҳмоқлик» (Пакернинг ифодаси)га қарши кўриладиган чорадир. Англиканлар (улар Буюк Британияда яшовчиларнинг кўпчилигини ташкил этиб, улардан беш фоиздан ортиқроғи ўта ишонувчи имонлилар)га келсак, уларга пуританлар «тўғрилланган» илоҳиётни тавсия қилишлари мумкин: «Мен итоат этишим мумкин бўлган мустаҳкам илоҳиёт анъанаси мавжудлигини биламан. Аммо барибир англиканликнинг либерал ва ноаниқ қарашларини тадқиқ қилиш лозим, токи уларни бартараф қилиб, ҳақиқатга йўл очиш керак».

1947 йили Англикан жамоатида Пакернинг сан (рутба) лавозимини эгаллашга қилган қарори бу масалани бажариш билан боғлиқ бўлди (Макгратнинг сўзларига қараганда, бу ҳолат

Дониёрнинг ўз хошишига кўра шерлар ўрасига тушишини эслатади). Шундай асосга кўра, Джим илоҳиётдан таълим олишни давом эттиришга қарор қилди. Бир йил (1948 йилдан то 1949 йилгача) у Оук Хилл колледжида ўқиди. Ўша ерда унинг қобилияти ва иқтидорини билиб олишга ёрдам беришди. Илмий машғулотларда унинг қобилиятидан самарали фойдаланиш жуда қўл келди. Шунингдек, Буюк Британияда доктор даражасини олган Инжил масиҳийларининг жуда камлигини у билиб олди (ўша вақтда Пакердан ташқари докторлик даражасини яна бир масиҳий олган).

Лавозимни қабул қилиш ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёргарлик жараёнида (яна ўз вазифасини бажарар экан) Пакер пуританларнинг фикрлаш тарзини чуқур ўрганиб, 1950 йилда Пуритан илмий конференцияларини ўтказишни йўлга қўйди. Икки кунлик илмий анжуман ҳар йили пуритан таълимотини муҳокама қилиш учун ўтказилар эди. «Конференцияларнинг иши пуритан асарларини ҳозирги замон жамоати учун қўлланма сифатида тадқиқ этишга қаратилган», — деб ёзади Макграт. Конференцияларнинг мақсади — илоҳиётни ўрганувчи янги авлодга «масиҳийча ҳаётнинг кучли ва ишончли эканлигини, илоҳиёт, Муқаддас Китоб, руҳият ва ибодатнинг ўзаро боғлиқлигини ва зарурлигини кўрсатиш ва таништиришдан иборатдир».

Конференцияларни маълум ва машҳур, ҳурмат қозонган воиз Мартин Ллойд-Джонс маъқуллади ва катта ғайрат билан қўллаб-қувватлади. Конференцияларни Мартин Ллойд-Джонснинг ўзи ўтказарди, шунинг учун ҳам уларнинг бундан кейинги муваффақиятини белгилаган эди. Унинг қўллаб-қувватлаши Пакерга Озод Жамоат аъзолари билан яқин муносабатларни сақлаб қолишига ёрдам берди.

1952 йил декабрь ойида Пакерни имонга киритдилар (руҳонийнинг шикоят қилиб айтган сўзларига қараганда, Пакердаги илоҳий хусусият интеллектуал қобилиятга ўхшар экан). Пакер ўзининг биринчи йўлланмасини Харбондаги Сент-Джонс

ибодатхонасига олди. Бу ибодатхонада у олдинига викарлик вазифасини бажарди. Ҳеч ким уни ёшлар билан ишлашга даъват этмаса ҳам, у ўз бурчига содиқ қолган ҳолда, гарчанд мамнунлик билан бўлмаса ҳам, бир арава болаларни ёзги лагерга олиб борарди. Ибодатхонага доимо бир аёл тирик балиқ олиб келарди, шунинг учун ҳам унга «балиқ маликаси» деб, исм қўйишганди. Ўша «балиқ маликаси» ҳар гал бир пиёла чойга таклиф қилганда, Джим индамай уникига борарди. «Аёл эрта-лабдан чой дамланган чойнакни қайноқ плитадан олмасди, шунинг учун тушликка яқин чойнинг тепаси кўпиклашиб, чойдан жуда ёмон ҳид келарди. Нима ҳам дердим, Бирмингемда шундай чой ичишар экан».

Пакер шундай эслайди: «Ўшанда мен шуғулланган машғулотларимдан энг кизиқарлиси ҳар ҳафтада ўтказиладиган диний таълимот дарслари бўлган. Ёшлар ўз эътиқодлари тўғрисида кўпроқ билиб олишни хоҳлашар эди ва мен уларга тегишли бўлган мерос билан уларни таништирар эдим. Уларга бу жуда ёқарди. Ёшлар ҳақиқатдан нимани хоҳлаган бўлсалар, мен уларга ўшани бердим».

Орзулар рўёбга чиқди

Илмда ва хизматда Пакер доим қўйилган мақсадларга шиддат билан эришарди. Аммо шахсий ҳаётда у нўноқ, уятчан бўлган. Энг муҳими, у ўзига дўст бўла оладиган аёл билан учрашишни орзу қиларди. Шундай бўлса-да, марҳаматланишдан бирозгина олдин бахтли тасодиф дўст сифатида Пакернинг шахсий ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Унинг дўстининг қандайдир бошқа иши чиқиб қолганлиги учун талабалар билан учрашувга Джимнинг келиб туришини илтимос қилди. Гарчанд нотаниш аудитория билан мулоқот қилишдан ўнғайсизлик ҳис этган бўлса ҳам, Пакер рози бўлди.

Кеча тугаётганда барча ташриф буюрганлар гуруҳларга бўлиниб олишди. Пакер эса стулда ўтирганича, бир ўзи ёлғиз қолди. Нокулайлик ҳисси янада кучайди.

Аммо «ачинарли англашилмовчиликни» бир ёшгина медик студент киз тўғриламақчи бўлди. «Нотикқа ҳеч кимнинг эътибор бермаганлиги мени жуда хафа қилди, — дейди қирқ олти йилдан бери Пакернинг умр йўлдоши бўлиб келаётган Кит. — Биз, Уэль аҳолиси, одатда бегоналарнинг ўзимизга кўникишларига ёрдам берамиз».

Кит бегона одамни уйига таклиф қилар экан, унинг ҳузурида ўзини ўнғайсиз ҳис қилаётган Пакердан уяларди. Кит шундай эслайди: «Джим худди бизнинг қавмбошимиз доктор Мартин Ллойд-Джонсга ўхшаб сўзларди».

Кит Маллет билан илк учрашувдан сўнг Пакер кечаси билан у тарафдан—бу тарафга ағдарилиб ухлай олмади. «Мен фақат Кит ҳақида ўйлардим», — дейди у. Ярим кечаси у ўрнидан турди ва Муқаддас Китобни олди. Ҳикматлар китобининг 31-бобини очди ва солиҳ аёл қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги оятларни ўқиб чикди. Оятларнинг муаллифи гўё Китни назарда тутганини у ҳис қилди: «Ҳикматлар китобининг 31-боби худди Кит ҳақида сўзлаётгандай эди».

Кунини «китоб» тарзида ўтказувчи одам учун Кит Пакерда етишмаган барча ҳислатларга эга эди. У ишчан, гапга тушунадиган, серғайрат ва мустақил иш юритадиган қиз бўлган. Биринчи учрашувда улар ўрмон бўйлаб сайр қилишди ва қиз оёқ кийимини ечиб олди. Китнинг бундай самимий хатти-ҳаракати Джимга жуда ёқди.

Кит — Уэльсдан, Паркер эса — Англиядан. Қиз Пакернинг эътиборини шундай далилга қаратди. Биргаликда сайр қилиб юришганда Кит доимо хушчақчоқ, завқ-шавққа тўла, кўпинча оёқ яланг юрарди, ўзи билан сайрга доимо бинокль олиб, читтакларни томоша қиларди ва лочинларнинг парвозини кузатарди; Джим эса тез юриб олдинга ўтиб кетар, ҳеч қачон оёқ кийимини ечмай худди шундай тезлик билан орқага қайтар эди.

Қиз ниҳоятда бахслашишни яхши кўрарди. Пакер шундай таъкидлайди: «У аёллар хизмати борасида менинг нуқтаи наза-

римдаги изчилликни англамас эди». Ва гапани давом эттирди: «Мен баҳсчи эмасман, мен аналитикман».

«Джим мен билан қизиқиб қолганда, хайрон бўлганман, — деб эслайди Кит. — Қолаверса, бу ҳозирга қадар мен учун қизиқ ҳол».

Улар «викарий назорати остида» бир ярим йил учрашиб юришди ва 1954 йилнинг июль ойида Пакер беш юз бетлик Ричард Бакстер ҳақидаги диссертациясини ёзишни бошлагандан бир ҳафта ўтиб, уларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, Пакернинг ишончли шерик ҳақидаги орзулари ёшгина аёлда рўёбга чиқди ва Пакер олдига қўйган барча мақсадларини амалга ошириши мумкинлигига бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. У Сент-Джонс соборидаги ўз хизматини якунлаб, 1955 йили аввалига Бристолдаги Тиндл Холлда аввалига муаллим ёрдамчиси лавозимида ишлади, сўнгра катта ўқитувчи бўлиб тайинланди.

Рухи тушганларга далда бериш

Бу давр (1954–1955 йиллар)да Буюк Британияга саёҳат қилиб юрувчи ёшгина воиз Билли Грэм келди ва мамлакатда инжиллаштириш оловини ёкди. Университетларда шу кунгача маълум бўлмаган масиҳий иттифоқлар мисли кўринмаган тезликда шакллана бошлади. Буюк Британияни босиб олган халқаро инжиллаштириш тўлқини Англикан жамоатига ёкмади. Дурхэмлик мактаб директори Кенон Х.С. Люснинг мақоласидан Макграт цитата келтиради. Мақола муаллифи шундай муаммони ўртага ташлайди: «Доктор Грэмнинг самимийлигини ҳурмат қилиш ва ҳаттоки таҳсинга сазоворлигига қарамасдан, фундаментализмга содиқлик XX аср зиёли инсонлари учун талофот ва ихлоснинг қайтишига айланиб қолади, деб асло ҳисобламаймиз. Биз, дин пешволари, шуларни очик-ойдин кўрсатишимизнинг вақти келмадимикан?»

1958 йили чоп этилган «Фундаментализм ва Худонинг Каломи» номли биринчи китобда Пакер бу саволга «қатъий инжилча

жавобни» беради. Люиснинг фикрига қарши ўлароқ, Пакер изчил ва мулоҳаза билан ҳақиқий Инжил масиҳийлиги ўзида либераллар ўзларининг имтиёзлари деб ҳисоблаган жиддий рационализм мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг барча ишонарли бўлмаган далиллари ўзларига қарши чиқади. Валентин Каннингэм “Pelican Record”да шундай деб ёзади: «Иттифокдош сифатида Пакернинг борлиги жуда яхши. Кўзойнак таққан бу бесўнақай, Глостершираликларга хос бўлган тили чучук одам Джон Арлотт руҳида Муқаддас Китобни изоҳлайди ва душманларга аста-секин, аниқ бўлиб кўринмаса-да, аммо қақшатқич зарба беради».

Пакернинг сўзларига кўра, унинг жавоби «танқидчиларни эсанкиратиб, уларнинг қилган танқиди бошқаларга мўлжалланганлигини эмас, уларнинг ўзларига қаратилганлигини кўрсатиш даркорлиги» билан изоҳланади.

“Evangelical Times”да редакторлик қилган Роберт Хори, Пакернинг китоби «руҳан тушган» ёшларнинг бутун авлодини илҳомлантиради, деб айтади. Мухбирлардан бирининг таъкидлашича, «Пакернинг баёнида таълимотлар ниҳоятда қизиқарли» кўринади. Муқаддас Ёзувга ишониш ва таяниш лозимлигини у скептикларга очиб берди ва имонлиларга уларнинг онги уларга душман эмаслигини ишонишга ундайди. Бу китобда Пакер ишончга сазовор ва лойиқ инсон сифатида намоён бўлади. У рационал ва чуқур ортодоксал Инжил масиҳийлигининг жарчисидир.

Пакер ўзининг толмас хизматини давом эттирар экан, Пуритан конференцияларига ўхшаш янги ва ажойиб проектни ташкил этди. Пуритан конференциялари ўз олдиларига британ Инжил ҳаракатини пуритан таълимотига тадқиқ қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса, 1961 йилда асосланган Пакернинг янги иши, «Латимер Хаус» англикан муҳитидаги Инжил масиҳийларига ўзлари ҳақида ўз деноминацияларида жар солишга ёрдам беришга уринишдир.

Пакер «ҳақиқий англиканликни» унинг сўзига кўра, XX аср бошларидан бери турғунликда қолган анъанасини жонланти-

ришни орзу қиларди. У шундай дейди: «Англиканлик арбоблар Инжил масиҳийлари бўлганлар — Кранмер, пуританлар, Клэпхэм оқими, Уилберфорс, Райл. Қўлдан кетган меросга мен яна эга бўлишни хоҳлайман». Шунинг учун 1961 йили Пакер Бристольни тарк этади ва «Латимер Хаус»да кутубхоначи, кейинроқ эса директор бўлади.

Пакернинг шахсий ҳаёти ҳақида сўз юритар эканмиз, у уч фарзанднинг суюкли отаси эканлигини эслатиб ўтишимиз лозим: Наоми, Рутва Мартина. Қолаверса, «Кит доимо уйда ҳайвонларни боқишни орзу қиларди ва имкон туғилди дегунча, уларни боқишга оларди», — дейди Пакер каламушларни, қуёнларни, оқ сичқонларни, мушук ва итларни санаб ўтар экан.

Пакер болаларини кўрганда жуда хурсанд бўларди. Китнинг айтишича, баъзида, айниқса китоб ёзиш жараёнида «улар билан ўтиришга вақт тополмас эди». Рўзғорни бошқариш ишларини у ишончли қўлларга, яъни хотинига топширган. Аммо фарзандлар масаласида Пакер шундай дейди: «Отам менга берган эътиборига қараганда, мен болаларимга кўпроқ вақт ажратаман».

Қолган масалаларда эса Пакер учун синовли ва юрак оғрик вақти келди. Олтмишинчи йилларда Бутунжаҳон жамоатлар Кенгаши пайдо бўлгандан кейин Англикан жамоатига қарашли бўлиш шубҳали кўрина бошлади. Баъзилар Бутунжаҳон жамоатлар Кенгаши «Женевадан бошқарилувчи супержамоат»га айланиб қолишдан чўчирдилар, англиканлар эса деноминацияларни ташлаб кетувчи одамларни Инжил масиҳийларининг алоҳида кенгашини тузишга даъват этишларига тўғри келди. Пуритан конференцияларида Пакернинг шериги ва дўсти Мартин Ллойд-Джонс бу нуктаи назарнинг ашаддий ҳимоячиси сифатида машҳур бўлган. 1966 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган ва Инжил масиҳийлари кенгаши томонидан ташкил топган Инжил масиҳийларининг таъсис мажлиси Иккинчи миллий ассамблеясида Ллойд-Джонс бир ҳужжатни эълон қилди. Макгратнинг ёзишича, бу ҳужжат кўпчилик тарафидан Инжил

масиҳийлари анъанавий жамоатлардан чиқишларига жиддий чақириқ сифатида қабул қилинди, аслида эса бу англикан Инжил масиҳийлари тасарруфида бўлган деноминацияни тузишга даъват эди. Кенгашда раислик қилган маълум ва машҳур англикан Инжил масиҳий Джон Стотт, бу даъват кенгашда иштирок этаётган ёшгина таъсирчан Инжил масиҳийларини оммавий равишда жалб қилиб, орқасидан олиб кетишидан хавотирланар эди. Шунинг учун, Пакернинг сўзлашича, Стотт «одатдаги қонунларни бузди» ва Инжил масиҳийларига ўз деноминациялари доирасида қолишлари мумкинлигини айтишга ва улар ичкаридан янгиланишига ёрдам беришга қодир эканликларини таъкидлаш мақсадида бу жараёнга бош қўшди. «Бу эса бугунги кунга қадар давом этиб келаётган катта баҳсларга сабаб бўлди», — дейди Пакер.

Буюк Британия инжил масиҳийлигида ҳодисаларнинг кутилмаганда бундай тус олиши натижасида Англикан жамоати қошида Инжил масиҳийларининг қолиши мумкинлиги борасида зиддиятлар юзага келди. Хуллас, «бирликни мустаҳкамлаш ва Буюк Британияда Инжил масиҳийлигининг ҳаётий стратегиясини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида» даъват этилган кенгаш, аслида бутунлай қарама-қарши таъсир кўрсатди.

Муаммолар ечимини топти

Кунларнинг бирида Пакер менга шундай деди: «Имонли сифатида мен доимо тинчликни орзу қиламан, аммо Ричард Бакстер сингари кўпинча турли муаммоларга дуч келавераман». Аникроғи бу сўзлар етмишинчи йилларнинг бошларига тўғри келади, чунки айнан ўшанда бонг зарбасига ўхшаб Пакернинг ҳаётида улкан бир «мусобақа жараёнининг» бошланишига асос солди. Қандайдир кучлар унинг ҳаётини шундай белгилаб қўйдиларки, бир тарафдан Пакер илм-фан соҳасида ишлашни мақсад қилган, бошқа томондан — Буюк Британияда инжилча масиҳийликка йўл очиши керак.

Олтмишинчи йиллар охирида англикан Инжил масиҳийларининг ва Эркин жамоат имонлиларининг бирлиги бузилди: «Пакернинг айтишича, тажрибани онгдан устун қўювчи «харазматикларнинг оқими» Буюк Британияда Пакер асос солган Инжил ҳаракатини босиб олди ва илоҳий таълимотни ювиб кета бошлади. Қолаверса, Пакернинг ўзи ҳам катта ўзгаришлар юз беришини хоҳларди, чунки «Латимер Хаус» ниҳоятда муваффақиятли ҳаракат қиларди ва энди унинг раҳбарлигига мухтож эмас эди.

Спорт терминологиясига кўра, биринчи раунд 1970 йилда Мартин Ллойд-Джонс ва Пакернинг ўзаро муносабатлари узилишидан бошланди. Уларнинг ҳар бири Инжил масиҳийларининг англикан муҳитидаги вазифаси ҳақида ўз тасаввурларига эга эдилар. Ллойд-Джонснинг эса Пакер барибир менинг қарашларимга қўшилади, деган умиди бор эди. Ллойд-Джонс Китнинг пастори бўлганлиги сабабли аёл бир куни унинг хузурига ўз муаммоларини ҳал қилишга ёрдам сўраб келди. Аммо Кит ёрдам олиш ўрнига Ллойд-Джонс томонидан қаттиқ сиқувга олинди; гўёки Пакер Ллойд-Джонснинг нуқтаи назарини қабул қилишига Кит уни кўндириши керак эмиш. Китнинг сўзларига кўра, Пакер доим унинг «эркатойи» бўлган экан.

Пакер икки англокатоликлар билан ҳамкорликда ёзган китобини чоп эттириш натижасида чўзилиб кетган можаро бироз тинчлангандай туюлди. Китоб ўз олдига «Методистлар плани режасини» — деноминацияни методистлар билан бирлаштириш диклорация ҳаракатини рад этишни мақсад қилиб қўйган эди. Ллойд-Джонснинг назарида Пакернинг таъкидлашича, Ллойд-Джонс «китобда аслида йўқ нарсаларни тўкиб чиқаришга интилан».

Уч ҳафталик Пуритан конференциялари айнаи кизғин бораётган бир пайтда Ллойд-Джонс бирданига уларда иштирок этишни тўхтатиб қўйди. Пакерни барча комитет ва бошқармалар аъзолigidан, шу жумладан, «Инжил масиҳийлари журнали» редакция кенгашидан беандишаларча чиқариб юборишди. Мангра

шундай ёзади: “Мустақил етакчи Инжил нашриёти шунгача етиб бордики, энди Пакерни Инжил эътиқодининг масиҳийси эмас, деб ҳисоблашни таклиф қилди».

Ллойд-Джонсни Пакер «менга таниш бўлган буюк зотлардан бири», деб атайди. Шундай бўлса-да, унинг сўзларига кўра Ллойд-Джонс инжил масиҳийларини «ҳеч қаерга олиб бормайдиган йўлдан» юришни таклиф қилади («буюк одамлар буюк хатоларга йўл қўядилар»). Инжил деноминациясида Пакер узоқ юришига тўғри келди. Аммо «Джим доимо англиканлигича қолаверди, — дейди Кит. — У ҳеч қачон Англикан жамоатини тарк этмаган». Ллойд-Джонсга боғланиб қолганлигига қарамай, Пакер жамоатнинг янгиланиши борасида ҳеч қачон «Озод Жамоат аъзоларини ҳаракатни бошқариш иқтидорига эга», деб ҳисобламаган.

Бухрон тобора чуқурлашиб борарди, мана иккинчи раунд бошланишига ҳам бонг урилди. Буюк Британия илоҳиёт мактаблари сан қабул қилиш учун номзодларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келдилар. Бристолда Тиндл Холл раҳбарлиги лавозимини қабул қилиш учун Пакер «Латимер Хаус»ни тарк этишга мажбур бўлди. У талабалар сонини кўпайтириш ва ўқитиш самарасини муносиб равишда ташкил қилиш режасини ишлаб чиқди. Қилган сайр-ҳаракати туфайли Пакер директор-реформатор сифатида довруғ қозонди.

Ўқув юртларида таълим бериш самарасини кўтариш мақсадида у бир неча колледжларни ягона бир ўқув юртига бирлаштиришни таклиф қилади. Пакернинг колледжи Тиндлнинг тепасида қора булутлар тўпланди. «Илоҳий анъаналардан қатъий назар, бутун Англия бўйлаб илоҳиёт колледжлари омон қолиш учун шиддатли ва шафқатсиз жангга жалб қилинди», — деб ёзади Макграт.

Инжил йўналишидаги ёрдамга мухтож колледжлар зарар кўрмаслиги мақсадида Джон Стотт ва унинг ҳамкасблари 1970 йилнинг сентябрь ойида норасмий тарзда учта Бристоль колледжларини бирлаштиришни таклиф қилдилар: Тиндл, Клиф-

тон ва Долтон Хаус (қизлар колледжи). Бирлашишни бошқариб турувчи назорат комиссияси октябрь ойида ўз рекомендациясини таклиф қилди: Бристолда ҳамма мактаблар ёпилиши шарт, Клифтон Оксфорддаги Уиклиф Холлга қўшилиши керак, Пакернинг Тиндл колледжи Хоттингемдаги Сент-Джон колледжи билан бирлашиши лозим.

Пакер учун бу қақшатқич зарба бўлди. Ҳаммаси ўз-ўзидан осонгина бўлгани йўқ. Таълим беришда янгича англикан ёндашувни шакллантириш учун у жуда кўп куч сарфлади ва бу унга ниҳоятда қимматга тушди. Пакер пухта ишланган режаларни эндигина Тиндл ҳаётига тадбиқ этаётган эди. Агарда Тиндл колледжи Сент-Джон колледжи билан (аслида уларнинг ҳеч бири бунга интиلمас эди ҳам) бирлашадиган бўлса, унинг қилган сай-ҳаракати барбод бўлади ва раҳбарлик лавозими йўқ қилинади, чунки Сент-Джон коллежи Тиндл колледжига қараганда кучли бўлиб, мустаҳкам ва мустақил позицияни эгаллар эди.

1971 йилнинг январь ойида Пакер ва унга ишониб топширилган колледж ходимлари Хоттингемга кўчиш ҳеч қандай самара бермаслигини исботлашга уринишади. Бироқ комиссия ўз навбатида Тиндл колледжини ёпиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Изтироб даҳрийликка йўл очади, даҳрийлик эса — ёвузликка. Колледжни қутқариб қолиш мақсадида Пакер энг қаттиқ чораларни қўллашга мажбур бўлади. Қарорни қайта кўриб чиқишни талаб қилиб жанг майдонига талабалар чиқадилар. Англикан жамоати Синоди масалани яна бир бор ўрганиб чиқди ва февраль ойининг охирларида сўнгги вердиктни эълон қилади: «Епископлар палатасининг фикрига кўра, фақатгина Тиндл Холл, Клифтон ва Долтон колледжлари Клифтон негизидан бирлаштирилиб, Бристолда таълим беришни давом эттириш мумкин».

Шундай қилиб Тринити колледжи ташкил топди ва Бристолда Инжил масиҳийларининг мавжудлиги сақланиб қолинди. Бироқ Пакернинг муаммолари бу билан якунланмади. Янги

ўқув юртига раҳбар сайлаш масаласи қўйилди. Энг қулай вариант — бу учала колледж вакилларининг, яъни директорларнинг биргаликда ҳаракат қилиб колледжни бошқариши эди. Тиндлни намоён қилиш ҳаммага маълум сабабларга кўра Пакернинг зиммасига тушди.

Вазият тобора чигаллашиб борарди. Бўлажак лидерларнинг навбатдаги йиғилишида Пакер беҳосдан Клифтон раҳбарларини ўзига қарши қилиб қўйди. Улар, Пакер ўз ҳукмини бизга ўтказмоқчи, деб ўйладилар. Аслида эса ундай эмас эди. Гап шундаки, Пакернинг қочирмаларсиз, очик-ойдин гапириши уларнинг нафсониятига тегди. Пакер бир гапиришни бошласа, фикирини мантиқан охирига етказмагунча ҳеч тўхтамас эди. Шундай вақтда унинг гапини бўлишни фойдаси йўқ.

Тиндлнинг таъсирига тушиб қолишдан кўркиб, клифтонликлар мунозараларни давом эттиришдан воз кечдилар ва бирлашиш жараёни тўхтатилди. Пакерни епископ ўз ҳузурига чақиртирди. Епископ ўзининг шахсий аралашуви билан ўқув юртларни бирлаштириш жараёнини қайта йўлга қўйди. Бирок янгича битимда бир изох бор эди. Бу изохга биноан Джеймс Пакер раҳбарлик лавозимидан воз кечиши керак эди. Натижада ўқув бўлимининг бошлиғи вазифаси ўрнига (учта баробар лавозимдан бири) Пакерга директор ўринбосари лавозимини таклиф қилдилар.

Учинчиси ортиқча

Жеральд Брей Макгратнинг «Инжил йўналишидаги кўплаб инглизларнинг қалбидаги ахлокий бўшлиқни юзага чиқариш» бўйича ишлари орқали маъқуллашни ифодалайди. У қуйидагича қўшимча қилади: «Пакер илоҳиётчи сифатида бундай одамлар учун ўзида хавфни тасаввур қилади. Улар бунга қандай бардош бераётганлари умуман ажойиб».

Брэй шу далилга эътиборни қаратадики, Пакер кетгандан кейин ўн йил ўтгач, Тиндл раҳбарлигида унинг ўрнини эгаллаган дўсти ва ҳамкасби Алек Мотнер «Тринити коллежида шун-

чалик чуқурликка чўмдики, Клифтонлик мутахассислар ҳам буни олдиндан кўра билмаган эдилар».

«Пакер ва Мотиернинг машинасини эслаб, кўпчилик уларнинг бошқарув даврини Бристолнинг олтин йиллари деб атайдилар».

Жеймс Пакер учун ҳаммаси унчалик ёмон бўлмаган эди. Директор ўринбосари лавозими унга кўп саёҳат қилишга, ёзишга имконият яратиб берди. 1973 йили Пакернинг «Худони билиш» китоби босилиб чикди. Бу китоб уни тез орада, айниқса, Шимолий Америкада эътироф этишга сабаб бўлди. Ўз навбатида эса бу АҚШда баҳсда иштирок этишни таклиф қилишга сабаб бўлди. Қўшма Штатларда юз берган зиддиятлардан бири «Муқаддас Китоб учун жанг» деб аталган кураш бўлган эди. Бу курашда Пакер бир марта мустақил эксперт сифатида қатнашган эди.

Пакерни олий даражадаги учрашувларга ҳам таклиф қилар эдилар. Кейинроқ у Муқаддас Китобнинг бузилмаганини текшириш бўйича Халқаро кенгашнинг асосий ҳужжатларини тайёрлашда ҳам қатнашган эди. Бу кенгаш 1977 йили Пакернинг ёрдами билан ташкил топган эди. Пакер Американинг Инжил масиҳийларига бу нозик мавзуда баҳс олиб боришга ёрдам бериб, Муқаддас Китобнинг «бузилмагани»ни тушунишларида мустаҳкам заминга олиб чиқди (унинг ўзи ҳам Муқаддас Китобга нисбатан ижобий терминдан, масалан, «мутлақо ҳақиқий, тўлиқ ишончга сазовор» терминидан фойдаланишни афзал деб билади). У яна Америкаликларни умумий мазмунга асосланиб, масалан, Бутрус Исодан уч марта эмас, балки олти марта тонган деб қаровчиларнинг Инжил сюжетларига менсимасдан қараш нотўғри эканига ва ўша сюжетлардан тонмасликка ўргатди.

Шундай қилиб, океан ортида эшиклар Пакер учун очик эди. У Англияга қайтгач, алоҳида ҳаёт тарзини кечири бошлади. Пакер Англикан жамоати таълимоти бўйича комитет аъзоси бўлгани учун, Масиҳ шахсияти ва фаолиятини ортодоксал

масихийча тушуниш деб аталган «алтернатив» баённомасини эълон қилди. Англикан жамоатининг оддий аъзолари, қандай қилиб бу илоҳий принципни биздан бир неча одам тортиб олар экан, деб ғазабга миндилар. Англикан Инжил масихийларига мансуб бўлмаганлар томонидан Пакерга қаратилган танқидлар кучайди. Улар, Пакер ўз деноминацияси аъзоси бўлиб, кўп ён беришларга бормокда, деб ҳисоблардилар. Пакер эса ўз навбатида шуни ҳис қилган эдики, уларнинг тақдири ҳал қилинган, чунки комитет аъзолари орасида Инжил масихийлари ҳам бор эди.

Пакернинг дўсти, Англикан Инжил жамоатига мансуб Жон Скотти Буюк Британия Инжил масихийлари учун Пакер олдиндан кўрган турли курсларни ташкил қилди. У қавмбошилар учун конференциялар ўтказди, унинг бундан мақсади — уларни бир жойга йиғиб, «сизларнинг жамоатингизга кўтаринки рух юқоридан тушади», деб уларнинг муносабатини янгилашни умид қилган эди. Пакернинг ўйлашича, бу конференция Инжилча алангани ёқиб, маҳаллий жамоатларнинг реал талабларини ҳисобга олмаган эди. Натижада шундай туйғу пайдо бўлдики, муаммо масаланинг турлича қўйилишида эди. Аммо бошқа қийинчиликлар билан бир қаторда, охириги натижа шу бўлдики, Пакерда: «Мен “учинчиси бўлиб, ортиқча эканман» деган фикр пайдо бўлди.

У шундай эслайди: «Етмишинчи йилларда Англиканларга айтганларимга қараганда, Инжил масихийларига кўпроқ гапларни айтмоқчи бўлган эдим, аммо мен бунга улгура олмадим, уларнинг манфаатларини ҳис қилмадим. Мен бундан умидсизликка тушмадим, лекин муваффақиятсизлик шуни ўйлашга мени мажбур қилдики, эҳтимол, масихийлик оламига мен қисқа муддатга керак эканман».

Янги бурилиш. Учинчи раунд

«Пакер 1979 йили Англиядан кетди ва Ванкувердаги Рижент коллежида янги ҳаётни бошлади, — деб ёзади Брэй, —

доктор Макграт бу воқеани унинг воизлик ва ўқитувчилик хизмати ривожлантириш учун ажойиб имконият сифатида тақдим қилади». Брэйнинг сўзлари бўйича: «Пакернинг Англиядаги мухлислари тамомила қарама-қарши нуктаи назарда турдилар».

«Бизнинг янги Чарлз Ходжини ёки ҳеч бўлмаса Льюис Беркхофни излаган эдик, аммо “Худони билиш”ни топдик, — деб эслайди Брэй. — Шунини таъкидлаш керакки, унинг Англиялик дўстлари ва мухлисларининг кутганлари шундай эди, улар шунчалик жиддий эдиларки, бу ерда — Америкада биз ўзимизни умидсиз ҳолда ҳис қилдик».

Англияликларнинг ҳаммаси ҳам Макгратнинг китобида келтирилган Брэйнинг фикрларига қўшилавермайдилар. Пакернинг Шимолий Америкадаги дўстлари ва мухлислари ҳиссиётларини «умидсизлик» деб айтишлари даргумон. Пакер Риджент коллежида муваффақиятга эришди, коллеж у туфайли гуллаб-яшнади. Макграт шундай ёзади: «Етмишинчи йиллар ўртасида Риджент коллежи унча катта бўлмаган ўқув юрти бўлиб, машғулотлар олиб бориш учун биноси ҳам йўқ эди, саксонинчи йиллар охирида коллеж бу ҳудудда илоҳиётдан таълим берадиган йирик ўқув юртларидан бирига айланди».

Пакер бу ерда Шимолий Америкада ҳозирги Инжил масиҳийлари орасида келиб чиқадиган ҳамма илоҳий масалалар бўйича баҳсларда ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди: аёлларнинг ролидан тортиб Муқаддас Рух овигача, Масиҳсиз ўлимни кутаётганларгача. Охириги йилларда у Инжил масиҳийлари билан католиклар ҳамкорликда асос солган ташкилот ишида иштирок этди. Бу ташкилот умумий илоҳий таълимотга риоя қилишда иккала томонга ҳам ёрдам берарди.

Таъкидлаш керакки, айрим Америка Инжил масиҳийлари бу ишда Пакернинг иштирок этишини истамадилар, гарчи улар Пакернинг Инжил таълимотига содиқлигини ва Пакер баҳсли илоҳий масалаларни ҳал қилишини истамаслигини очиқ кўриб турган бўлсалар ҳам, ундан узоқлашдилар.

Ташкилотда бирлик, ҳамкорлик руҳи устун бўла борди. Бунда асосий ролни Пакер ўйнади — бунга ишдан ташқари вақтларда католик илоҳиётчиси Ричард Жон Ньюхаус билан ўтказган баҳслари ёрдам берди. Шу баҳсларда Пакер Ричард Жон Ньюхаусни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ «муболаға» попи деб атаган эди.

Шу пайтда Пакер томонидан нашр қилинган китоб, памфлет ва мақолалар миқдори ўсиб бораверди. Пакер Риджент коллежида ишлаш билан бир қаторда, ҳар йили биттадан китоб ёзди (1995 йили Пакернинг уч китоби босилиб чиқди). Унинг уч миллион китоби сотилди, шундан бир ярим миллиони «Худони билиш»га оид эди. Шундан сўнг у Британия Колумбияси вилоятида энг машҳур муаллиф унвонини олди.

Яқинда бизникида Пакер билан тушлиқ қилаётганимизда, у «Ёғ суртилган» гуруҳининг «У биз учун туғилган эди» кўшиғини тинглаб, кўз ёшларини тия олмади. Китнинг сўзларига қараганда, «унинг ҳамма хатти-ҳаракатлари ортида Раббийга чуқур содиқлик ётгани, унинг китоблари, ваъзалари, маърузалари, ҳаёти — ҳаммаси Худога қаратилгани» учун шундай бўлди.

Пакернинг жамоатга муҳаббати унинг «марҳамат» — «марҳамат қилмоқ» феъл шаклини қўллашга мойиллиги билан изоҳланади. Бир куни у менга: «Жаз жамоатга ўхшайди — Муқаддас Рух раҳбарлиги остида гуруҳ аъзоларининг ҳаракатчан, моҳир ўзаро таъсири ва синергияси самовий мусикани яратди», деб айтган эди.

Китнинг айтишига кўра, Пакернинг ҳаётида одамлар билан айтишиб қолиш юз берганда, у фақат ўз шахсияти учун хафа бўлмасди, балки «Раббийнинг жамоатида оғриқ пайдо бўлди», деб хафа бўларди. Шунинг учун ҳам Пакер дўсти Мартин Ллойд — Жонсон билан 1970 йилдан кейинги айрилиқдан сўнг, унга: «Англияга борганимда, мен қабул қилсангиз», деб илтимос қилди. Ллойд — Жонсон хасталигига қарамай, мамнуният билан рози бўлди.

«Мен у билан учраша олмадим, — дейди Пакер. — Мен келгунимга қадар у вафот этган экан. Ҳечқиси йўқ, бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди, чунки само абадийдир».

Ҳа, само абадийдир. Пакер заминда мустаҳкам турганига қарамай, баланд, кенг фикрлайди. «Мен руҳий етукликнинг диққат бир жойга қаратилган тимсолини кўришни орзу қиламан, менинг тилимда бу руҳнинг кенгайиши деб аталади. Бу ўзида тирик бўлиш қанчалик муҳим деган янги сезгини, Худо яратган оламда яшаётганингни англашдан мутлақ улугворлик ва ҳузур-ҳаловатдан титраш туйғусини пайдо қилади, Худо яратган оламда нур, ҳузур-ҳаловат, донолик, масъулият, Муқаддас Китоб ҳақиқати бор эканини ҳис қиласан».

«Шунақаси ҳам бўладики, мен ҳам ҳукм қилишда хатоликка йўл қўяман, — дейди Пакер, — ахир, бизнинг замондошларимиз илгариги масиҳийларга Буюк Афанасийнинг, Лютернинг, Ансельмнинг издошларига, Уайтфильд, Уэсли, Эдвардга қараганда катта қалб эгалари бўлган, Худонинг меҳрибонлигидан у бугунги бизнинг кўпчилигимизга қараганда, анчагина буюк бўлган эдилар».

Оксфорд университети ўқитувчиларидан бири Валентин Каннингэм шундай деб ёзган эди: «Пакер руҳиятнинг аралашмаси ва илоҳий амалиётчиликнинг ортида туради. Бу эса унга эътиборни қаратади ва имонга келмаганларга кучли таъсир кўрсатади». Бу гапда калит сўз — «туради». Менинг ўғлим сингари, кучлар тенг бўлмаган мусобақада бор кучи билан курашиб, матчда ғалабага эришишдан ёки мағлубиятга учрашдан бошқа нарса олмаганидай, Пакернинг таълимоти ҳам ўзига қаратилган барча зарбаларга бардош беради. Аллақачонлар кўчада ўлмай қолган, мактабдаги безориларга уй вазифаларини тайёрлашда ёрдам бераётган болакай бугун бошини баланд кўтариб юрибди.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I. Йўлнинг тўғриланиши	9
II. Муқаддас Китобни билиб	17
III. Худога яқинлашиб.....	30
IV. Ҳозирги оламдаги ҳаёт	36
V. Айрим қийин саволларга жавоблар	45
Пакер ҳақида (Уэнди Мюррей Зоба).....	54